

АХБОРОТ-КУТУБХОНА ХАБАРНОМАСИ

INFOLIB

ИНФОРМАЦИОННО-БИБЛИОТЕЧНЫЙ ВЕСТНИК



№2 2016
ISSN 2181-8207

УШБУ СОНДА:

КИТОБ ҚАДРИ
ТУЛПОРДАН АФЗАЛ...

4 бет

ЛАТВИЙСКАЯ
НАЦИОНАЛЬНАЯ
БИБЛИОТЕКА – ЦЕНТР
ПОДДЕРЖКИ ИЗДАТЕЛЕЙ,
НОВЫЕ УСЛУГИ ДЛЯ
ЦЕЛЕВЫХ ГРУПП

34 бет

НОВЫЕ ВОЗМОЖНОСТИ
СОТРУДНИЧЕСТВА
ЧЕШСКИХ БИБЛИОТЕК В
ЦИФРОВОМ
ПРОСТРАНСТВЕ

38 бет

БИБЛИОТЕКИ
АРАБСКОГО ХАЛИФАТА

72 бет

ИЗ ИСТОРИИ КНИЖНОЙ
КУЛЬТУРЫ БУХАРЫ

78 бет





«Бизнинг ишончимиз ва таянчимиз бўлмиш ёшларимизга янада кенг йўл очиб бериш, фарзандларимизни замонавий билим ва тажрибага, ўз мустақил фикрига эга бўлган, маънавий юксак комил инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг жамиятимизда мустаҳкам ва муносиб жой олиши йўлида зарур шарт-шароитларни яратиб бериш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз».

Ислом Каримов

«Ватан ва халқ мангу қолади» китобидан



УШБУ СОНДА: В НОМЕРЕ:

- 3 **ТАҲРИРИЯТДАН – ОТ РЕДАКЦИИ**
Ушбу сонда
- 4 **УШБУ СОН МЕҲМОНИ – ГОСТЬ НОМЕРА**
Китоб кадри тулпордан афзал... Ўзбекистон Республикаси фан арбоби
Умарали Норматов
- 8 Проведение семинара-тренинга по научной библиографии для
региональных информационно-библиотечных специалистов.
Валентина Рыкова
- 12 **ЯНГИЛИКЛАР – НОВОСТИ**
Новости информационно-библиотечной сферы в мире
- 22 Открылась экспозиция стран-участниц Саммита Шанхайской
организации и сотрудничества
- 24 **АНЖУМАН – КОНФЕРЕНЦИЯ**
«CENTRAL ASIA – 2016: Фан, таълим, маданият ва бизнесда Интернет ва
ахборот-кутубхона ресурсларининг ўрни» X Халқаро конференцияси
- 34 **АМАЛИЁТ – ПРАКТИКА**
Латвийская Национальная библиотека – центр поддержки издателей,
новые услуги для целевых групп. **Д. Мукане**
- 38 Новые возможности сотрудничества Чешских библиотек в цифровом
пространстве. **А. Кнолл**
- 42 Использование электронных ресурсов в ГПНТБ СО РАН:
Организационная модель и методическая поддержка. **Г. Вихрева**
- 46 Международная конференция «Медийно-информационная грамотность
и формирование культуры открытого правительства». **В. Полякова**
- 48 Деятельность Центрального Государственного архива
кинофотофонодокументов в эпоху развития цифровых технологий.
Д. Закирова
- 50 Статистический учет печатных изданий за 2015 год. **Д. Мирзарахимова**
- 54 Замонавий реставрация соҳасидаги асосий тенденциялар. **М. Салимов**
- 58 Кутубхона – ҳақиқий ва туганмас хазина. **И. Тожиёв**
- 60 Ёш авлод тарбиясида кутубхонанинг ўрни. **Ғ. Самандаров**
- 62 «Румянцевские чтения – 2016» Халқаро конференцияси ва МДХ Миллий
кутубхоналари ягона ахборот макони сифатида. **М. Болтабоева**
- 64 Темирйул соҳаси тараққиётида китобларнинг аҳамияти. **М. Нишон**
- 66 Фарғона вилоят Ахборот-ресурс маркази амалиётдан. **Ф. Нуриддинова**
- 68 Таълим муассасаларига етук мураббийларни тайёрлаш. **Х. Ортиқов**
- 70 Кутубхона – мунаввар манзил. **М. Нишонова**
- 72 **МЕРОС – НАСЛЕДИЕ**
Библиотеки Арабского халифата. **Ю. Столяров**
- 76 Ўзбекистон Миллий кутубхонаси тарихида муҳим воқеа. **Х.Нуриддинов**
- 78 Из истории книжной культуры Бухары. **З. Салимова**
- 80 **МУҲИМ САНАЛАР – ПАМЯТНЫЕ ДАТЫ**
Муҳим саналар
- 84 **ВОҚЕАЛАР – СОБЫТИЯ**
Кутубхонанинг маънавий-маърифий ҳаёти
- 92 **ЯНГИ АДАБИЁТЛАР – НОВЫЕ ПОСТУПЛЕНИЯ**
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фондига келиб тушган янги босма
нашрлар
- 95 **ҚАЙТА БОҒЛАНИШ – ОБРАТНАЯ СВЯЗЬ**
Миллий кутубхона тарбия маскани

«INFOLIB» –
ахборот-кутубхона хабарномаси
Информационно-библиотечный вестник –
«INFOLIB»

№ 2 (6) 2016 й.

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг
маданий, маърифий, илмий-оммабоп
журнали, 2015 йилдан чиқа бошлаган

ТАҲРИР КЕНГАШИ:

Асаджон Ходжаев – раис
Кенгаш аъзолари:

Умиджон Аъламов
Фотиҳ Жалолов
Ботир Усмонов
Ахтам Худоёров
Умиджон Салимов
Абдушукр Абдуллаев
Баҳром Абдуҳалимов
Мақсуд Бобононов
Тулқин Тешабоев
Бахтиёр Сайфуллаев

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шукур Курбон – бош муҳаррир
Ҳайъат аъзолари:

Умида Тешабоева
Нусрат Комилов
Гулойим Бердимбетова
Раиса Ратнер
Фаина Болкунова
Абдурашид Авлиёкулов
Зухра Бердиева
Сардор Ёқубов
Барно Ғаниева
Абадбой Қиличбоев

Аслиддин Жўраев – бош муҳаррир ўринбосари
Вероника Полякова – муҳаррир
Жавлон Жовлиев – мусоҳҳих
Шавкат Жўрабоев, Дилноза Зокирова – дизайнер
Сергей Наследов, Бобур Тургунов – фотомуҳбир
Фаррух Мусаев – нашр учун масъул

Бошига 30.06.2016 йилда рухсат берилди.
Қоғоз формати 60x84 1/8. Нашриёт ҳисоб табоғи 8,7.
ИНДЕКС 1277 ISSN 2181-8207

Журнал 2015 йил 10 мартда Ўзбекистон матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан № 0846 рақами билан рўйхатга олинган.
Журналдан кўчириб босилганда «INFOLIB ахборот-кутубхона
хабарномаси»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт

Ушбу «INFOLIB ахборот-кутубхона хабарномаси» журнали
таҳририятнинг компьютер марказида тайёрланди
Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 1 уй.
E-mail: info@nallib.uz Сайт: www.nallib.uz
Телефон: +99871 232 83 93, +99871 239 41 24
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг
матбаа бўлимида чоп этилди
Буюртма № 460. Адади 1000 дон
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 1 уй

УШБУ СОНДА:



Халқимиз азал-азалдан фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор бериб келган. Боланинг ақлий, жисмоний, ахлоқий томондан камол топиши муҳим ижтимоий масала ҳисобланган. Улуғ боболаримиз Хожа Аҳмад Яссавий, Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиб, Носириддин Рабғузий каби улуғларимиз қолдирган ўзбек адабиётининг энг олис давридан дарак берувчи адабий намуналаридан тортиб, то ҳозирги кунгача сақланиб қолган барча нодир асарларимизда келажак авлод тарбиясига атаб ёзилган қимматли сўзлар бизга бола тарбиясининг нечоғлик муҳим иш эканлигидан далолат беради. Бу улуғ юмушда нафақат ота-оналар, балки қариндош-уруғлар, маҳалла аҳли ҳам ўзларини масъул деб ҳис қилишган. Чунки етук фарзанд инсон учун ғурур, шаън, юрт келажаги учун эса, посбондир.

Муҳтарам юртбошимиз ҳам бу йилни «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилар экан, жумладан, шундай сўзларни айтиб ўтди: «Шулар қаторида халқимизнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш, илму фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, турли гуманитар тармоқларни янги, замон талаб қиладиган босқичга кўтариш биз учун доим устувор йўналишлар қаторида бўлиб келмоқда, лекин агар бугунги замон қандай шиддат билан ўзгариб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу соҳаларга, аввало, таълим-тарбия соҳасига эътиборимизни янада кучайтиришимиз даркор. Чунки замон ўзгариши билан одам, инсон ҳам ўзгаради, унинг дунёқараши, ҳаётдаги ўз роли, бурчига муносабатлари ва қарашлари бир ҳолатда турмайди. Айниқса, катта ишонч билан ҳаётга кириб келаётган азиз фарзандларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш борасида амалга ошираётган дастурларимиз биз олдимизга қўйган буюк мақсадларга жавоб беришига ишончимиз мустаҳкам бўлиши зарур». Албатта, боласи тинч ва соғлом бўлган миллатнинг эртаси ҳам ёруғдир.

«Соғлом она ва бола йили» муносабати билан Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ҳам бир қанча дастурлар амалга оширилмоқда. Фарзандлари билан кутубхонага келувчи ота-оналарга алоҳида эътибор берилиб, уларга махсус хизмат кўрсатиш ишлари такомиллаштирилди. Ўқув залларида ота-оналар учун нафи тегадиган китоблар ва болаларга оид адабиётлар жамланган кўргазмалар ташкил

қилинди. Бундан ташқари, Миллий кутубхонада «Ота-оналар» маркази очилиб, у ўз фаолиятини бошлаб юборди.

Барчамизга маълумки, бугунги кун ёшлари маънавий оламини ўстириш, уларни дунёнинг нодир адабиётларига қизиқтириш, юртимиз ва дунёда бўлаётган ўзгаришлар, фан ва технология ютуқлари билан атрофлича таништириш муҳим вазифалардан биридир. Бу каби жараёнларда кутубхоналарнинг ўрни ҳам катта. Шу мақсадда жорий йилнинг 21–22 апрель кунлари кўҳна ва навқирон Самарқанд шаҳрида «Central Asia – 2016: Фан, таълим, маданият ва бизнесда Интернет ва ахборот-кутубхона ресурсларининг ўрни» халқаро анжумани бўлиб ўтди. Унда қатнашган хорижий вакиллар ва маҳаллий мутахассислар соҳа ривожига бўйича олиб борилаётган ишларни муҳокама қилишди ва амалга оширилаётган янгиликлар билан ўртоқлашди. Халқаро анжуман юқори савияда бўлиб ўтди. Бу ҳақда мазкур сонимизда акс этган бир қатор мақолалар орқали атрофлича маълумотларга эга бўлишингиз мумкин.

Журналимизнинг қўлингиздаги нашри орқали сиз соҳа бўйича олиб борилаётган ишлар, замонавий кутубхоналар ва уларнинг иш тажрибаси битилган долзарб мақолалар билан танишишингиз мумкин. Бундан ташқари, сиз адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Умарали Норматов билан олиб борилган суҳбатни ўқишингиз, ундаги заҳматкаш устознинг китоб, маънавият, бугунги кундаги адабий жараёнлар ҳақида қимматли фикрлар билан танишишингиз мумкин. Шунингдек, журналимизда чет эл кутубхоналарида фаолият олиб бораётган мутахассисларнинг мақолалари ҳам ёритилган. Улар орқали ўзлари меҳнат қилаётган кутубхоналарининг кенг имкониятлари, бой фонди ва фойдаланувчиларга кўрсатаётган хизмат турлари ҳақида батафсил маълумот олишингиз мумкин.

Бу йил гўзал ва обод юртимиз Мустақиллигининг йигирма беш йиллиги кенг миқёсда нишонланади. Бу байрам халқимизнинг узок йиллик орзуларини амалга ошишининг тасдиғи сифатида улуғ ва азиз шодиёна эканлиги исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқатдир. Шу муносабат билан Сиз – ардоқли муштарийларимизни чин қалбимиздан муборакбод этамиз. ■

КИТОБ ҚАДРИ ТУЛПОРДАН АФЗАЛ...

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ
ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР,
УМАРАЛИ НОРМАТОВ БИЛАН СУҲБАТ



Умарали
Норматов 1931
йилда Фарғона
вилояти Бешариқ
туманида
туғилган. Тошкент
Давлат
университетининг
филология
факультетида
таҳсил олган
(1952 – 1957).
Ўзбекистон
Республикаси
Фан арбоби,
филология
фанлари
доктори,
профессор,
Ўзбекистон
Давлат мукофоти
лауреати (1989)

Яқинда мухтарам юртбошимиз «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонига имзо чекдилар. Бу мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллик шодиёналари олдидан халқимиз маънавий оламида катта қувончли воқеа бўлди. Бу, айниқса, она тили ва адабиётни ўрганшига умрини бағишлаган, сўз санъатини чуқур тушунган филологлар, педагоглар, ёзувчи ва шоирлар, журналистлар учун алоҳида байрамдир. Чунки тилимиз бойлигини, унинг нодир ижодий хазиналарини ўрганиш ва уларни келажак авлодга етказиш маънавиятимиз эртасини таъминловчи катта кучдир. Шу муносабат билан журналимизнинг бу сонда самимий ва жафокаш устоз, моҳир педагог, профессор, филология фанлари доктори, танқидчи ва адабиётшунос Умарали Норматовни суҳбатга тортдик. Устоз **1931** йил **3** январда Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги Рапқон қишлоғида туғилган. Устознинг адабиётга меҳр қўйишида гўзал Фарғона водийси, айниқса, Рапқон қишлоғининг меҳри дарё одамлари, бетакрор табиати катта таъсир ўтказган. Устоз Тошкент Давлат университетининг (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) филология факультетида (**1952–1957**), сўнг аспирантурасида (**1959 – 1962**) таълим олди. **1962** йилдан Миллий университет ўзбек адабиёти кафедрасида ишлайди. **1974 – 2000** йиллари мазкур даргоҳдаги ўзбек адабиёти кафедрасига мудирлик қилди. Бу йиллари кафедрада Озод Шарафиддинов, Аҳмад Алиев, Абдуғафур Расулов, Норбой Худойбергандов, Санжар Содиқов, Баҳодир Каримов, Абдулла Улуғов, Раҳмон Қўчқоров, Дилмурод Қуронов сингари истеъдодли мунаққид-адабиётшунослардан иборат илмий жамоа билан бақамти фаолият олиб борди. Умарали Норматов **500** дан ортиқ мақола-лар, **50** га яқин адабий-танқидий асарлар, дарслик, ўқув қўлланмалар чоп эттирди. Устознинг «Насримиз уфқлари» (**1974**), «Етуклик» (**1982**), «Қалб инқилоби» (**1986**), «Қодирнинг боғи» (**1996**), «Ижодкорнинг ҳароратли сўзи» (**2015**) китоблари замонавий ўзбек адабиётшунослигининг ютуғи сифатида адабий жамоатчилик томонидан эътироф этилди. Асарлари рус, турк, тожик тилларида нашр этилган. Унинг адабиётшунослик, таълим-тарбия соҳасидаги хизматлари Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби (**1981**), Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (**1989**), Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочилиги нишони (**1992**) каби нуфузли мукофотлар билан тақдирланган.

– Ўзбекистон Миллий кутубхонаси... Бу сўзни эшитишим билан беғубор ёшлик хотиралари қалбимни тўлқинлантириб юборди. Чунки ёшлигимнинг энг қизгин, энг қадрли, энг қимматли даврлари мана шу кутубхонада ўтган. Тошкентдек улкан шаҳарга келиб биринчи кўрган зиё масканим ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Асосий кутубхонаси бўлса, иккинчиси Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасидир. Бу ерда сақланаётган улкан китоб хазинасини бутун дунёга намуна қилиб кўрсатсак арзийди. Бу маскан ҳеч бир жаҳон кутубхоналаридан қо-

лишмайди. Юртбошимиз томонидан бу кутубхонага мухташам ва замонавий бино қуриб берилганлиги кутубхона тарихида улкан воқеа бўлди деб айта оламиз. Бу мен каби юртимизнинг миллионлаб китобхоналарини чексиз қувонтирди.

Яқинда яна бир қувончли хабар дилларимизга чексиз қувонч, бахт улашди. Яъни юртбошимиз Ислоҳ Каримов «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонига имзо чекди. Ўша фармонни газетадан рафиқам ўқиб берар экан, ишонасизми, кўзларимдан севинч ёшларини тўхтатол-

мадим. Бу ўзбек адабиёти учун, тили, унинг истиқболи учун қилинган улкан воқеа бўлди. Жуда катта, жуда улуғ иш. Бу кўп ўтмай сезиларли таъсирини кўрсатади. Бу маскан таркибига Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси ва Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг ўзбек тили ва адабиёти факультетлари ҳамда Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти, Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи бирлашаётгани у ерда таҳсил олувчиларга қандай кенг йўл очишини тасаввур қилиб, тўлқинланиб кетяпман. Ахир, бу бизнинг бутун умрлик орзуймиз эди. Қанийди, мен ҳам шу даргоҳнинг илк курсига қабул қилинган ўқувчиларига бир маъруза ўқисам, деб қолдим шу топда. Бу – табиий. Агар шундай имконият берилса, ўзимни чексиз бахтиёр ҳис қилардим. Она тилимиз ва адабиётимизга қанча кўп эътибор қилсак, у шунча кўп бўй кўрсатаверади, маънавиятини бойитаверади. Чунки адабиётимиз олис ва бой тил тарихига, нодир, буюк адабиётига эга. Унинг нури бутун оламни чароғон қилишга ишонаман.

Ҳозирги кунларни кўриб минг бор шукроналик келтираман. Биз қандай оғир ва мураккаб кунларни бошдан кечирмадик. Болаликнинг энг гуллаган даврлари айнан шундай машаққатли йилларга тўғри келди. Урушдан кейинги оғир пайтларда дарслик, китоб, дафтар-қалам етишмасди. Муаллимларимиз 45 дақиқалик дарсни билганларича гапириб ўтказишади. Ҳамма таҳликада, ҳаёт учун кураш борарди. Лекин биз бир он бўлса-да, орзу қилишдан тўхтамадик. Ниятни улуғ қилдик.

Менинг адабиётга қизиқишимда ота-онамнинг ҳиссаси катта бўлган. Уларнинг меҳри, тарбияси мени ўз устимда ишлашга куч берган. Дадамни «Нормат қори» ёки «Қори ака» дейишарди. Қўқон мадрасаларида таълим олган, араб, форс тилларини пухта эгаллаган, Саъдий, Ҳофиз, Навоий, Фузулий, Бедил, Машраб асарларининг мухлиси эдилар. Қуръони Карим оятлари, пайғамбаримиз ҳадислари, Саъдий ҳикматлари, Бедил рубоийлари мағзини чақиб, соатлаб гапирардилар. Уйимиз тоқчаларида «Туркистон вилоятининг газети», «Турон», «Янги Фарғона» таҳламлари 50-йилларга қадар ҳам сақланган. Шу ўринда китобнинг қадри ҳақида бир ёдномани эслатмоқчиман. Болалигимда отам ҳақида бир ҳазил гап қишлоқда юрарди. Кейинчалик бу ҳазил гапдан қанчалик фахрланганлигимни билсангиз эди. Яъни Турдиали бойнинг эрка-



той кенжаси, китоб жинниси Нормат қори Саъдийнинг «Гулистон»ига ўзи миниб Қўқонга қатнайдиган баҳоси йўқ қорабайирни алмаштириб юборибди. Бу ҳақда қариндошлар кулиб ҳикоя қилишар эди. Лекин бу китобнинг шайдоси кўп эди. Бир саҳифанинг ўзида ҳам форсча, ҳам туркий-ўзбекча матн жойлашган чарм муқовали бу нодир китоб таниш-билишлар орасида яқин-яқинларда ҳам қўлдан-қўлга ўтиб ўқиларди. Онам Сорабиби Яссавий, Сўфи Оллоёр, Фузулий китобларини шундай бир нурли ва ҳазин оҳангда ўқир эдиларки, уларни ички бир шавқ, кўнгилда ажиб бир мунг билан тинглардим. Аҳмад қозининг ўғли, ўтган асрнинг ўнинчи йилларида жадид усулидаги мактаб муаллими сифатида шўхрат топган тоғам Мулла Маҳмуд (Фарғонанинг Рапқон қишлоғидаги тарих музейида бу одамнинг фотосурати бор) менга бир ҳафтанинг ичида араб ёзувини ўргатганлар. Тез орада уйимиздаги китобларни бемалол ўқийдиган бўлдим. Айниқса, Иброҳим Адҳам, Машраб қиссаларини берилиб мутлаа қила бошладим. Ўзим ҳам Машрабга тақлидан «Умар» тахаллуси билан ғазаллар битишга тушдим. Ўша ишқий ғазаллар битилган дафтарни гоҳо фарзандларим, набираларим кўлида кўриб қоламан. Улар ҳазил қилиб: «Ўзлари ҳам Машраб бўлган эканлар-ку», деб қўйишади.

Кунларнинг бирида адабиёт муаллимимиз синфга янги китобча кўтариб кирдилар. Толстойнинг «Кавказ асири» ҳикоясини ўқий бошладилар. Ҳикояни тинглаб, лол бўлиб қолдим. Бу асар мен шу пайтгача танишган, ўқиган китобларга мутлақо ўхшамас эди, у мени тамомила бошқа бир оламга олиб киргандай бўлди. Бир неча кун ўзимга келолмай юрдим, нуқул ҳикоя қаҳрамонлари Жилин, Костилин, Дина билан ўша тоғ овули одамлари орасида юргандай бўлдим... Мен бу ҳикояни ҳозирга ►

Она тилимиз ва адабиётимизга қанча кўп эътибор қилсак, у шунча кўп бўй кўрсатаверади, маънавиятини бойитаверади. Чунки адабиётимиз олис ва бой тил тарихига, нодир, буюк адабиётига эга. Унинг нури бутун оламни чароғон қилишга ишонаман

Абдулла Қодирийдек биргина мислсиз истеъдод соҳиби яратган бадиий кашфиётларни эслайлик. Юсуфбек хожи, Ўзбек ойим, Отабек, Кумуш, Зайнаб, Анвар, Раъно, Солиҳ маҳдум сингари тирик жонларни – ўзбекнинг рангбаранг табиатли фарзандлари сиймосини айна тирик одамлар каби гавдалантириш чинданда мўъжиза, ахир!



Адабиёт дарёсида ғаввос каби сузмай, оқимдаги ҳамма нарсалардан яхши хабардор бўлмай туриб, уни саралаш асло мумкин эмас. Афсус, минг афсус, соҳилда туриб олиб оқим хусусида хаёлан, тахминан ҳукм чиқаришга уринишлар, нолишлар кўзга ташланаяпти

қадар қўлга олишдан чўчийман, қайта ўқишга ботина олмайман, ўша болаликдаги – ҳикоя билан илк танишувдаги мислсиз таассурот бузилиб қолмаса деб қўрқаман. Кейинроқ, Миркарим Осимнинг «Ўтрор»и, Ойбекнинг «Қутлуғ қон»и, уруш йиллари ватан қаҳрамони Аҳмаджон Шукуров билан уйимизда меҳмон бўлган Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари, боринги, ўтган асрнинг қирқинчи йилларида ўзбекчада чиққан жамики бадиий асарлар билан танишдим. Ҳозир ўйлайман, агар мен бу китобларни ўқимаганимда филолог бўлишни тасаввур ҳам қила олмасдим.

Ярим асрдан буён ўзим суйган шу адабиёт ичидаман, унинг табаррук хизматидаман. Бу орада номзодлик, докторлик илмий даражаларини қозондим, доцентлик, профессорлик унвонлари берилди. Лекин бир он бўлса-да, изланишдан тўхтамадим. Ҳозир ҳам чинакам санъат асарини ўқиганимда, томоша қилганимда ҳайратдан ўзимда йўқ яйрайман. Кўнглимда шу соҳага майл, меҳр уйғотгани, ризқимни шу соҳада бергани учун Яратганга шукроналар айтаман.

Салкам етмиш йилдан бери, даставвал, адабиёт шайдоси бўлиб, адабиёт бўйича таълим олиб, сўнг филолог-адабиётшунос, мунаққид сифатида адабий давраларда юриб, адабиёт ҳақида бетиним ўй суриб, у-бу нарсалар битиб, талабаларга дарс бериб сўз санъати инсоният яратган, аниқроғи, Оллоҳ бандалари инъом этган ноёб неъмат, сирли-сеҳрли хилқат эканига такрор-такрор иқрор бўламан. Санъатнинг бошқа турларини асло камситмаган ҳолда, бадиий адабиётнинг имкониятлари беқиёсдир, десам муболаға бўлмас. Масалан, ранг-тасвир, архитектура, му-

сиқа, кино бажариши мумкин бўлган вазифаларни ёзувчи, шоир сўз санъати орқали адо этавериши мумкин. Санъат асари яратиш учун кўпдан-кўп ашё, асбоб-ускуналар керак. Электр энергияси бўлмаса, кино – ҳеч нарса. Бадиий ижод учун эса, қалам билан қоғоз бўлса бас. Ҳатто улар бўлмаганида, оғзаки тарзда ҳам яратилаверади. Бадиий ижод ана шунақа ноёб хилқат... Уни ардоқламай бўладими, ахир! Инсон фаолиятидаги ҳеч қайси соҳа адабиётчилик сир-синаотга бой эмас. Бундан ташқари, инсон фаолиятига оид соҳалар ичида сўз санъатидек тутқич бермайдигани, қолипга, қоюдага тушмайдигани топилмаса керак. Жаҳондаги ҳар бир улкан ижодкор – буюк, асар ўзича бир дунё; янги асари билан ижодкор ҳар гал янгича йўл, усул, қоюдалар кашф этади. Бунинг устига, ижодкор шахсиятидек сирли, ажабтовур хилқат бошқа соҳа кишиларида топилмайди. Оллоҳ инсон зотида хос жамики кучли ва заиф, зиддиятли, мўъжизакор сифатларни мужассам этиш учун ёзувчилик истеъдодини, шоиру ёзувчиларни яратган бўлса, ажаб эмас. Ўзингиз ўйлаб кўринг, Оллоҳ ўзининг мислсиз қудратини намоён этиш учун бу ёруғ оламни, коинот жавҳари саналмиш инсонни яратган. Қарангки, ёзувчи-санъаткор балки Оллоҳнинг шу яратувчилик сифатида тақлидан сўз орқали инсонни, тўғрироғи, инсон тимсолини яратишга журъат этади.

Абдулла Қодирийдек биргина мислсиз истеъдод соҳиби яратган бадиий кашфиётларни эслайлик. Юсуфбек хожи, Ўзбек ойим, Отабек, Кумуш, Зайнаб, Анвар, Раъно, Солиҳ маҳдум сингари тирик жонларни – ўзбекнинг ранг-баранг табиатли фарзандлари сиймосини айни тирик одамлар каби гавдалантириш чиндан-да мўъжиза, ахир! Адабиёт илми бадиий истеъдод табиати, ижодкор шахси, ижод психологияси бобида ҳали дурустроқ иш қилгани йўқ. Инсоният ҳали улкан истеъдодлар хизматини муносиб қадрлаш даражасига кўтарилгани йўқ. Биз ҳали чинакам истеъдод соҳиблари билан бу соҳага даъвогар тамагир, ҳаваскор хунармандларнинг фарқига етолганимиз йўқ. Такдир мени XX асрнинг бир қатор моҳир сўз усталари билан танишиш, мулоқотда бўлиш, ҳатто яқиндан дўст-улфат тутиниш бахтига муяссар этди...

Ўтган аср бошларида, кўп асрлик адабиётимиз туб янгиланиш йўлига кирган кезлари «Адабиёт надир?», «Театр надир?» деган саволлар қатори, «Танқид надир?» деган масала ҳам кўндаланг қўйилди. Шунда, тараққийпарвар ижод аҳли вакиллари билан бири, ўз-

бек жадидларининг отаси Беҳбудий адабий танқид ҳақидаги мақоласида ҳаёт-мамот аҳамиятига молик саволга жавоб ахтариб «танқид – сараламоқдир» деган оқилона жавоб топди. Дарҳақиқат, адабий танқиднинг бош вазифаси, асл функцияси адабий жараёни синчиклаб кузатиб, билимдонлик, нозик дид, фаросат, бундан ҳам муҳими, холислик билан ёндашиб, ундаги, яъни катта оқимдаги ҳас-ҳашаклар орасидан чинакам бадиий кашфиётларни, чин истеъдодларни топа билиш, кашф этиш, уларга одилон баҳо бериш, чин асарларнинг чин нафосати, асл моҳиятини очиб беришдан иборат экани ўша кезлардаёқ аён эди. Миллий танқидчилигимизнинг илк босқичида Вадуд Маҳмуд, Чўлпон, Абдулла Қодирий ва Ойбеклар айна шу йўлдан бордилар...

Афсус, минг афсус, тоталитар тузум ҳамма жабҳани, жумладан, адабиётга раҳнамоликни қўлга олганидан кейин бу хайрли тамоил барбод бўлди, танқид майдонида қиёмат қўпди. Улкан миллий уйғониш туфайли қад ростлай бошлаган соғлом адабий жараёнда пайдо бўлган ҳар бир ёрқин истеъдод, чин бадиий кашфиёт дейишга арзигулик ҳар бир асар, Абдулла Қаҳҳор сўзлари билан айтганда, найза кўтариб қарши олинди; Чўлпон, Қодирий, Фитратлар қисмати, Чўлпон шеърляти, «Ўткан кунлар», Фитрат драмалари, «Сароб», «Қутлуг қон», «Навоий», «Жалолiddин», «Қўшчинор», кейинроқ «Тобутдан товуш», «Юлдузли тунлар» теварагида кечган машъум машмашалар, адабий жаҳолат, тўғридан-тўғри демагогиядан иборат компаниялар яқин кечмишимизнинг энг кирлик – қора кунлари тарзида тарихда қолди.

Истиқлол йилларида кўп хайрли ишлар қатори, бу жабҳадаги хатоликлар бартараф этилди, адолат тикланди. Танқидчиликда демагогияга йўл очадиган мустабид мафкура, адабий сиёсатнинг илдизи қирқилди.

Ҳаммасларимга оғир ботса ҳам, бир гапни дангал айтай: танқид адабий жараёндан ортда қоляпти. Сўраб, суриштиришлар шундан далолат бераётирки, кейинги ўн йил ичида, жаҳон адабиётини қўя турайлик, ўзимизда эълон этилган асарларни тўла-тўқис ўқиб, кузатиб борган бирорта ҳам мунаққидни тополмайсиз. Бир вақтлар шахсан ўзим адабиётимиздаги бирорта асарни ҳам эътибордан четда қолдирмай кузатиб, ўқиб борардим. Ҳозир ҳам имкон борича ҳаракат қиламан, аммо ҳаммасига улгуролмайман. Эҳтимол, шу ёшда мен учун бу ҳол узрлидир, аммо ёшроқ мунаққидларни бу борада асло кечириб бўлмайди.




Танқид майдонида турган, ўзини мунаққид сановчи азамат учун бу машаққатли юмуш мажбурийдир. Адабиёт дарёсида ғаввос каби сузмай, оқимдаги ҳамма нарсалардан яхши хабардор бўлмай туриб, уни саралаш асло мумкин эмас. Афсус, минг афсус, соҳилда туриб олиб оқим хусусида ҳаёлан, тахминан ҳукм чиқаришга уринишлар, нолишлар кўзга ташланаяпти. Бир вақтлар улуг бир рус адиби афсус-надомат билан яхши мунаққидларнинг эътиборсизлиги, ҳафсаласизлиги туфайли қанчадан-қанча ноёб истеъдодлар, бадиий кашфиётлар эл назаридан четда қолиб кетаётганини айтган эди.

Сир эмас, бугунги адабиётимизда жиддий жонланиш, кўтарилыш жараёни кетяпти, бу ҳол барча адабий авлод вакилларига хос, шу билан баробар, миллий адабиётимиз даргоҳига янги бир навқирон авлод шитоб билан кириб келаётгани қувонарли ҳол. Бугун мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллик тўйини нишонлаш олдида турар эканмиз, бу улуг сана билан барча юртдошларимни чин дилдан табриклайман. Айна пайтда мустақиллигимизнинг йигирма бешга кирган ёшлари қандай ижод қилаётганлиги, нималарни ўйлаб, нималарни ёзаётганларига, қандай китобларни ўқиётганига жуда қизиқаман. Мен уларга катта умид билан қарайман. Ажойиб шоир-шоиралар, ёзувчилар халқимиз орасидан етишиб чиқаверади. Мен бунга ишонаман. Чунки буюк адабиёти бор юртнинг келажаги ҳам буюқдир. ■

**Сўхбатни Шуқур Қурбон,
Жавлон Жовлиев ёзиб олди.**

Айна пайтда мустақиллигимизнинг йигирма бешга кирган ёшлари қандай ижод қилаётганлиги, нималарни ўйлаб, нималарни ёзаётганларига, қандай китобларни ўқиётганига жуда қизиқаман. Мен уларга катта умид билан қарайман

ПРОВЕДЕНИЕ СЕМИНАРА-ТРЕНИНГА ПО НАУЧНОЙ БИБЛИОГРАФИИ ДЛЯ РЕГИОНАЛЬНЫХ ИНФОРМАЦИОННО-БИБЛИОТЕЧНЫХ СПЕЦИАЛИСТОВ



Валентина Рыкова,
старший научный сотрудник отдела научной библиографии ГПНТБ СО РАН

» **В** Национальной библиотеке Узбекистана 27-29 июня 2016 года в рамках сотрудничества с Государственной публичной научно-технической библиотекой Сибирского отделения Российской академии наук (ГПНТБ СО РАН), в целях повышения квалификации региональных информационно-библиотечных специалистов Республики Узбекистана прошел семинар-тренинг по научной библиографии.

Занятия провела Валентина Викторовна Рыкова – преподаватель Сибирского регионального библиотечного центра непрерывного образования, старший научный сотрудник отдела научной библиографии ГПНТБ СО РАН (г. Новосибирск, Российская Федерация).

Цель тренинга являлась: ознакомление слушателей с основными стандартами по информационно-библиотечной деятельности; методикой создания баз данных с большой ретроспективой; подготовка на их основе текущих и ретроспективных указателей.

– Валентина Викторовна, Вы долгое время занимаетесь вопросами научной библиографии. Расскажите об основных направлениях проведения семинар-тренинга в Ташкенте?

– Я приехала по приглашению Национальной библиотеки Узбекистана для того, чтобы провести практический семинар по библиографированию, на котором были рассмотрены требования к составлению библиографических указателей на основе баз данных. Следует отметить, что различные типы библиографических указателей имеют разные подходы к составлению. Поэтому нам пришлось посмотреть все типы, обсудить обязательные элементы и факультативные элементы, которые должны быть использованы при их составлении. В первый день семинар-тренинга мы занимались теоретическим изучением методических подходов составления библиографических указателей. Во второй день, просмотрели практику составления библиографической записи для различных типов географических и практических пособий и начали работать с удалёнными базами данных, в том числе с базами данных, которые готовит библиотека. Несмотря на то, что мы занимаемся краеведением Сибири и Дальнего Востока, выяснилось, что в наших базах данных, также представлена информация по Узбекистану, по Ташкенту и Бухаре. Помимо региональных баз данных библиотека занимается составлением баз данных, которые работают в помощь библиографам и библиотековедам. В рамках тренинга слушатели работали с базой данных «Научно-электронная библиотека», которая предоставляет прекрасную возможность получения полнотекстовой информации со своего рабочего

лиографических указателей имеют разные подходы к составлению. Поэтому нам пришлось посмотреть все типы, обсудить обязательные элементы и факультативные элементы, которые должны быть использованы при их составлении. В первый день семинар-тренинга мы занимались теоретическим изучением методических подходов составления библиографических указателей. Во второй день, просмотрели практику составления библиографической записи для различных типов географических и практических пособий и начали работать с удалёнными базами данных, в том числе с базами данных, которые готовит библиотека. Несмотря на то, что мы занимаемся краеведением Сибири и Дальнего Востока, выяснилось, что в наших базах данных, также представлена информация по Узбекистану, по Ташкенту и Бухаре. Помимо региональных баз данных библиотека занимается составлением баз данных, которые работают в помощь библиографам и библиотековедам. В рамках тренинга слушатели работали с базой данных «Научно-электронная библиотека», которая предоставляет прекрасную возможность получения полнотекстовой информации со своего рабочего





места. В рамках практической части тренинга участники зарегистрировались в базе данных и провели поиск по своему региону. В этой базе данных мы выявили 47 наименований журналов, которые издаются в Узбекистане и которые входят в эту базу данных. А когда мы провели поиск по теме: «Узбекистан», то обнаружили более тысячи документов. Это и авторефераты диссертаций и статьи по Узбекистану узбекских учёных, которые были опубликованы в российских журналах. Можно не имея российского журнала на руках, иметь возможность скачать полный текст и включить в любое библиографическое пособие, предоставить полный текст пользователям, так как, пользователи заинтересованы в получении информации не только из тех журналов, которые публикуют в республике. Помимо российских баз данных, мы работали и с зарубежными базами данных. Выяснилось, что в зарубежных базах данных, в открытом доступе находится очень много статей о Республике Узбекистан, на английском, корейском и других языках, которые необходимо включить в любое библиографическое пособие. Больше того современные технологии дают возможность присоединения полного текста через гиперссылку и мы можем выйдя на сайт библиотеки, зайдя в библиографическую базу данных, по гиперссылке перейти на полный текст. Это очень удобно, это современный уровень развития библиографии.

– **Расскажите о Вашем профессиональном становлении в области научной библиографии?**

– Проработав более 10 лет преподавателем на кафедре физической географии в Новосибирском педагогическом университете, поступила работать в сектор научных исследований библиотеки. В нашей библиотеке библиографами работают специалисты, которые глубоко знают предмет. А второй моей специальностью является – преподаватель английского языка. ГПНТБ даёт возможность всем сотрудникам получить ещё одно высшее образование, так как на базе ГПНТБ работают высшие библиотечные курсы. Закончив эти курсы и имея уже три образования, я легко справляюсь с иностранной литературой и литературой естественно-научной тематики, работаю с удалёнными базами данных. Но имея библиографическое образование, я работаю библиографом. А так как наша библиотека является библиотекой при Российской Академии наук, я занимаюсь наукой в качестве научного сотрудника и преподаю информационное обеспечение в социо-культурной деятельности для студентов Педагогического университета, также провожу выездные семинары. У меня более ста опубликованных статей.

– **Вы являетесь ведущим специалистом в области научной библиографии. Расскажите пожалуйста, о проблемах современной библиографии, с которыми Вы столкнулись в своей практике?**

– В области библиографии масса нерешённых проблем, но поскольку, мы занимаемся региональной библиографией, то для нас главное, чтобы учёные во всём мире получили возможность работать и выезжать во все ►

Иногда сами учёные не знают, что их материалы опубликовали в каком-то журнале.

Работа с удалёнными базами данных одна из насущных проблем библиографов, а вторая проблема – сотрудничество и кооперация

Большие объёмы информации не позволяют учёному систематизировать, появляются новые программы, которые называются библиографические менеджеры, которые помогают управлять этими большими массивами информации и мы библиографы должны сами владеть ими, а также должны обучать специалистов управлять этими программами

уголки мира, работать с материалами и публиковаться в любых журналах. Если раньше мы могли просмотреть все российские журналы и считать, что мы полностью регион закрыли, то сейчас к сожалению, этого не достаточно. Нам приходится просматривать все мировые известные базы данных, базы данных цитирования, базы данных издательств, для того, чтобы выявить материал по региону. Одна из существующих проблем – это поиск релевантного материала, чтобы он подходил к нашей тематике. В связи с тем, что наука стала интернациональна, создаются интеграционные проекты, в которых участвуют учёные из разных стран и публикуются совершенно в разных издательствах – в Турции, Германии, Америке, России. А нам надо всё это собрать воедино. Иногда, сами учёные не знают, что их материалы опубликовали в каком-то журнале. Работа с удалёнными базами данных, одна из насущных проблем библиографов, а вторая проблема – сотрудничество и кооперация. Так как, без межрегионального, межгосударственного сотрудничества трудно иметь даже подписку. Когда библиотеки кооперируются между собой, то имеют возможность работать с базой данных той библиотеки, которая купила большую базу данных, а остальным обеспечила доступ к этой базе данных. Ещё одним вопросом является то, что сейчас каждый документ имеет свой цифровой идентификатор, они почти все находятся в Интернете. Большие объёмы информации не позволяют учёному систематизировать информацию, появляются новые программы, которые называются библиографические менеджеры, которые помогают управлять этими большими массивами информации и мы библиографы должны сами владеть ими, а также должны обучать специалистов управлять этими программами.

– Какие современные методы и методики играют первостепенную роль в развитии научной библиографии?

– Безусловно, применяются различные методы. Это те методы, которые мы создаём сами, либо, используя чужой опыт, интерпретируем их для своих условий. Методология, созданная нами, может быть частично использована в любых других библиотеках, в том числе и в Национальной библиотеке Узбекистана. Поэтому, широкое распространение опыта частных методик и методологий и обмен ими дают очень хорошие результаты.

– Какие рекомендации специалистам Вы можете дать, по развитию сотрудничества в




вопросах научной библиографии в рамках сотрудничества Национальной библиотеки Узбекистана с Государственной публичной научно-технической библиотекой Сибирского отделения РАН.

Государственная публичная научно-техническая библиотека является институтом Сибирского отделения РАН. Поэтому, проводит научные конференции – это конференция в рамках «Сибирской книги», совмещённая с ярмаркой; конференция по библиотековедению и библиографоведению; 2 раза в год на базе библиотеки проводятся «Макушинские чтения» по итогам книговедческих исследований. Мы приглашаем специалистов участвовать в конференциях, особенно специалистов по редким книгам, так как обмен опытом приносит хорошие результаты.

– Расскажите, что Вам особенно запомнилось при посещении Национальной библиотеки Узбекистана?

– Я имела возможность ознакомиться с деятельностью библиотеки. Во-первых, меня поразили в Национальной библиотеке Узбекистана полные читальные залы, что очень замечательно. Желаю, чтобы ваши пользователи продолжали вас так же любить. Интерьер библиотеки, техническая оснащённость современным оборудованием очень приятно меня поразили. Вы сотрудничаете не только с Россией, но и с Кореей, США и другими странами. Я и впредь желаю Национальной библиотеке Узбекистана признательных читателей, дальнейшего процветания, удачи и успехов в работе всем сотрудникам коллектива. ■

**Интервью подготовила пресс-секретарь
Национальной библиотеки Узбекистана
Гулчехра Хамидова**



Представленные объекты



Вид на остров Макиан со стороны Нгоф..



Малберри-стрит, г. Нью-Йорк




Юг: история о последней экспедиции Ш..



Псалмы Давида. Трет
[Посмотреть 14 290 объектов](#)

Представленные объекты



Центр изучения истории Мексики CARSO
10 объектов



Большой Санкт-Петербургский государственный цирк - Музей ...
8 объектов



Автономный университет штата Нуэво-Леон
3 объекта



Национальная библиотека Словакии
28 объектов

www.wdl.org – (World Digital Library)

Мировая цифровая библиотека – проект Библиотеки Конгресса. В библиотеке собраны оцифрованные версии ценнейших материалов по истории и культуре.

Мировая цифровая библиотека (WDL) предоставляет бесплатный доступ в сети Интернет в многоязычном формате к большому количеству материалов, представляющих культуры разных стран мира.

Основные цели Мировой цифровой библиотеки:

- Содействие международному и межкультурному взаимопониманию;
- Расширение объёма и разнообразия культурного содержания в Интернете;
- Предоставление ресурсов для педагогов, ученых и всех заинтересованных лиц;
- Расширение возможностей учреждений-партнеров для сокращения разрыва в цифровых технологиях внутри страны и между странами

НОВОСТИ ИНФОРМАЦИОННО- БИБЛИОТЕЧНОЙ СФЕРЫ В МИРЕ



ПОЗИЦИЯ ИФЛА ПО ПУБЛИЧНОМУ ПРАВУ НА ВЫДАЧУ МАТЕРИАЛОВ В БИБЛИОТЕКАХ

Международная федерация библиотечных ассоциаций и учреждений (аббревиатура на рус. ИФЛА; англ. International Federation of Library Associations – аббревиатура на англ. IFLA) – неправительственная организация, представляющая интересы библиотек и информационных служб, а также их пользователей по всему миру.


Библиотеки, доступные для общественности, так же, как и другие некоммерческие культурные, научные и образовательные учреждения существуют, чтобы обслуживать людей и гарантировать бесплатный неограниченный доступ к полному спектру записанных человечеством знаний и информации. Они играют важнейшую роль в развитии и защите демократического общества, предоставляя всем членам общества доступ к широкому кругу различных интересов, идей и мнений. В частности, публичные библиотеки позволяют людям, особенно детям и подросткам, приобретать и развивать навыки чтения. Как хранилища идей и источников знаний они также предоставляют возможности для обучения и исследований.

Публичные библиотеки позволяют людям, особенно детям и подросткам, приобретать и развивать навыки чтения. Как хранилища идей и источников знаний они также предоставляют возможности для обучения и исследований

Библиотеки и информационные службы являются проводниками к культуре и информации для своих пользователей, включая создателей работ, подпадающих под действие авторского права. Будучи влиятельными участниками, представляющими интересы своих пользователей, они играют важную роль в обеспечении приоритетности общественных интересов в необходимости знаний и баланса между правовыми и моральными правами правообладателей. Библиотеки и информационные службы выступают и как основные потребители поставщиков информации, приобретая издания в печатном и цифровом формате. Они также становятся основными клиентами организаций, занимающихся правами на воспроизведение. Их цель – расширение доступа и использования работ, охраняемых авторским правом. Работая с исключениями и ограничениями в авторском праве, библиотеки стараются обеспечить своим пользователям законный и равный доступ к знаниям, содержащимся в объектах авторского права, с соблюдением всеми прав авторов, исполнителей, издателей и других производителей объектов интеллектуальной собственности.

ИФЛА долгое время придерживается позиции по авторскому праву и смежным правам, которая заключается в том, что экономические права провайдеров информации должны быть сбалансированы с потребностью общества в получении доступа к знаниям. Дальнейшее постоянное расширение действия авторского права и смежных прав в новых областях привело к увеличению использования лицензирования в других видах деятельности, в частности, публичном праве на выдачу материалов, о котором говорится в этом документе.

ИФЛА уверена, что, пока во всем мире не будет уделяться больше внимания сохране-



Публичное право на выдачу документов не существует во многих странах и различается по своему применению в тех странах, где оно есть. Термин применяется к двум разным понятиям:

1. Авторское право — одно из ограниченных, эксклюзивных прав правообладателя защищенного произведения. Оно позволяет правообладателю разрешить или запретить публичное использование работы после ее публикации

2. Право на вознаграждение — возможность автора (необязательно правообладателя) получать денежное вознаграждение за публичный «прокат» работы, которое не считается выплатой авторских гонораров

нию и соблюдению ограничений и исключений в авторском праве, эта тенденция в будущем может негативно сказаться на образовании и науке, что, в свою очередь, повлияет на культурное, научное и экономическое развитие людей, наций и общества, особенно на экономику развивающихся стран.

Что такое публичное право на выдачу материалов с выплатой вознаграждения авторам в случае свободного использования или абонементом их произведений в библиотеках?

Публичное право на выдачу документов не существует во многих странах и различается по своему применению в тех странах, где оно есть. Термин применяется к двум разным понятиям.

1. Авторское право – одно из ограниченных, эксклюзивных прав правообладателя защищенного произведения. Оно позволяет правообладателю разрешить или запретить публичное использование работы после ее публикации. Разрешение на публичное использование может быть выдано с помощью лицензирования и выплат гонорара авторам из обществ по сбору авторских отчислений.

2. Право на вознаграждение – возможность автора (необязательно правообладателя) получать денежное вознаграждение за публичный «прокат» работы. Страны, которые решили использовать право на вознаграждение, сформировали ряд собственных критериев правомерности и в определенных случаях (но не во всех) это было сделано для решения культурных задач. В некоторых странах публичное право на выдачу материалов существует в рамках закона как альтернатива «публичному прокату» (описанному в пункте 1), и поэтому рассматривается как связанное с авторским правом. В других странах публичное право на выдачу полностью выходит из контекста авторского права. В обоих случаях вознаграждение, выплачиваемое авторам, не считается выплатой авторских гонораров.

ЭЛЕКТРОННЫЕ КНИГИ

Несмотря на то, что на момент написания документа публичное право на выдачу материалов применялось только к печатным книгам и в ряде стран к аудиокнигам на материальном носителе, в некоторых странах активно обсуждается возможность его применения к электронным книгам и цифровым аудиокнигам. Существуют убедительные аргументы в пользу того, чтобы компенсация за цифровой прокат не повторяла во всех инстанциях существующие модели компенсации за печатные книги и аудиокниги на физическом носителе, но есть ряд юридических и логистических проблем, присущих только цифровым форматам.

Во многих случаях электронные книги лицензированы библиотеками на определенный период времени или ограниченное число использований, и если лицензия продлевается, авторам выплачиваются отчисления. Это не относится к печатным книгам или аудиокнигам на физических носителях, когда после первоначальной покупки книг дополнительные начисления не выплачиваются.

«Публичный прокат» управляется специальной Директивой, при этом рассматривается заявка на применение Директивы к электронным книгам. В Великобритании недавние изменения в законе об авторском праве разрешают применять публичное право на выдачу по «абонементу» электронной книги непосредственно в библиотеке, т. е. когда пользователь приходит в библиотеку, чтобы скачать книгу. Доступ к электронным книгам удаленно через библиотеку расценивается как «предоставление», в соответствии с доступностью контента через Интернет, на время и место, выбранное пользователем, и не считается абонементом, поэтому публичное право на выдачу материалов тут применяться не может. Эта интерпретация в настоящее время закреплена законодательством Великобритании.

ОСНОВНЫЕ ЦЕННОСТИ И ПРИНЦИПЫ ИФЛА ПО СВОБОДНОМУ ДОСТУПУ К ИДЕЯМ, ИНФОРМАЦИИ И ТВОРЧЕСКИМ РАБОТАМ:

- поддержка принципов свободного доступа к информации, идеям, творческим работам и свободе выражения, закрепленных в статье 19 Всеобщей декларации прав человека (Universal Declaration of Human Rights)

- уверенность в том, что люди, общества и организации нуждаются в универсальном и равном доступе к информации, идеям и творческим работам для общественного, культурного, демократического и экономического благосостояния

- убежденность, что обеспечение высококачественными библиотечными и информационными услугами помогает гарантировать этот доступ

- деятельность публичной библиотеки — важный компонент любой долгосрочной стратегии в области культуры, предоставления информации, распространения грамотности и образования

- выдача опубликованных материалов библиотеками не должна ограничиваться законодательством

- важно, чтобы средства, используемые для осуществления платежей в силу публичного права на выдачу материалов, не изымались из ассигнований, выделяемых библиотекам на покупку материалов

ИФЛА сформулировала основные ценности и принципы свободного доступа к идеям, информации и творческим работам, а также бесплатного доступа к публичным библиотекам, их месту в национальной инфраструктуре и праву на авторское вознаграждение

Система подсчета абонеента электронных книг с копиями и названиями будет гораздо сложнее аналогичной системы для печатных книг, поскольку некоторые данные могут храниться сторонними поставщиками. Программы подсчета авторских вознаграждений зависят от возможности осуществлять автоматический поиск в библиотечных базах данных для подсчета названий, копий и годового тиража (эти три показателя учитываются при подсчете суммы авторского вознаграждения в различных странах). В случае с электронными книгами, некоторые данные хранятся не в библиотечной базе данных, а у поставщика. Требование работать со сторонними поставщиками для получения определенных библиотечных данных увеличит логистические и, скорее всего, финансовые затраты на реализацию публичного права на выдачу материалов.

По этим причинам, необходимо, чтобы представители библиотек тесно сотрудничали с организациями, занимающимися авторскими вознаграждениями и представителями авторов в формировании надежной и технически реализуемой системы выплат авторских вознаграждений за использование цифрового контента с помощью библиотек.

Позиция ИФЛА по публичному праву на выдачу материалов с выплатой вознаграждения авторам в случае свободного использования произведений или абонеента их произведений в библиотеках

ИФЛА сформулировала основные ценности и принципы свободного доступа к идеям, информации и творческим работам, а также бесплатного доступа к публичным библиотекам, их месту в национальной инфраструктуре и праву на авторское вознаграждение. Они приведены ниже.

1. Среди основных ценностей ИФЛА:

- поддержка принципов свободного доступа к информации, идеям, творческим работам и свободе выражения, закрепленных в статье 19 Всеобщей декларации прав человека (Universal Declaration of Human Rights);

- уверенность в том, что люди, общества и организации нуждаются в универсальном и равном доступе к информации, идеям и творческим работам для общественного, культурного, демократического и экономического благосостояния;

- убежденность, что обеспечение высококачественными библиотечными и информационными услугами помогает гарантировать этот доступ.



2. «Публичная библиотека обычно предоставляет свои услуги бесплатно. Публичная библиотека подчиняется местным и национальным органам. Ее деятельность определяется специальным законодательством и финансируется национальными и местными властями. Деятельность публичной библиотеки – важный компонент любой долгосрочной стратегии в области культуры, предоставления информации, распространения грамотности и образования» (Манифест ИФЛА/ ЮНЕСКО о публичной библиотеке 1994, <http://www.ifla.org/publications/ifla-unesco-public-librarymanifesto-1994>).

3. «ИФЛА убеждена, что выдача опубликованных материалов библиотеками не должна ограничиваться законодательством. Положения же договоров, например лицензионных, не должны препятствовать выдаче библиотеками и информационными службами электронных ресурсов в разумных пределах» (Ограничения и исключения в авторском праве и смежных правах в цифровой среде: международная библиотечная перспектива (пересмотрено в 2004)).

4. «Важно, чтобы средства, используемые для осуществления платежей в силу публичного права на выдачу материалов, не изымались из ассигнований, выделяемых библиотекам на покупку материалов. Если выплаты в силу публичного права на выдачу материалов производятся по отдельной статье расходов, такое право действительно обеспечивает материальную поддержку авторов без ущерба для бюджетов публичных библиотек. Некоторые схемы выплат могут также обеспечить получение полезных статистических данных о выдаче книг, написанных конкретными авторами. Библиотекари должны участвовать в разработке схем выплаты вознаграждения по публичному праву на выдачу материалов, с тем, чтобы такие выплаты не производились из средств библиотечных бюджетов» (Руководство ИФЛА/ЮНЕСКО по развитию услуг публичных библиотек, 2001, с. 25, § 2.3.3:).

В соответствии с вышеизложенными принципами ИФЛА заявляет, что не поддерживает публичное право на выдачу материалов, которое может затруднить свободный доступ к сервисам публичных библиотек, что является правом граждан. ИФЛА поддерживает свободу доступа к информации и продолжит бороться со всеми обстоятельствами, которые могут затруднить этот доступ.

Источник: www.rsl.ru



В ИЗДАТЕЛЬСТВЕ DE GRUYTER ВЫШЛИ ДВЕ НОВЫЕ ПУБЛИКАЦИИ ИФЛА

Две новые книги из «Серии публикаций ИФЛА» ознаменовывают собой широкий спектр деятельности ИФЛА.

Сочинение «Аджаиб ал-махлукат» ал-Казвини можно отнести к рукописям иранского происхождения. Она переписана в 1514 г. и украшена фронтисписом и 491-ой миниатюрой. В фонде имеется также книга «Тузук-и Тимур» («Уложения Тимура») на персидском языке

Зевар Салимова, Бухоро вилоят Абу Али ибн Сино номидаги Ахборот-кутубхона маркази директор ўринбосари

Бухоро тарихи олис даврлар, адоғи йўқ афсоналарга туташ сирли бир оламдир. Бухоро ва унинг дунё тамаддунига қўшган ҳиссаси эса чексиздир. Юртимизнинг шу гўшасида улвайиб вояга етган ва дунё илм-фанига катта ҳисса қўшган улуг сиймоларимизнинг номини келтиришимизнинг ўзидаёқ бу ўлка нақадар муқаддас, нуқадар суюқ эканлигидан далолат беради. Мақола муаллифи Зевара Салимова шу улуг ва сирли тарих сафларида китоб, китобат ва кутубхоналарнинг ўрни нечоғлик муҳим бўлганлиги ҳақида турли, бир-биридан қимматли фикрлар билдиради. Бу китобларнинг аксарияти ҳозирги кунгача этиб келганлиги ва алоҳида эътиборда сақланаётганлиги эса қувонарли ҳолдир. ■

МУҲИМ САНАЛАР



Анъанага мувофиқ журналимизнинг бу сониди ҳам жорий йилнинг июль, август, сентябрь ойларида нишонланадиган муҳим ва унутилмас саналар, ҳақида қисқача маълумотлар бермоқдамиз. Ундан Ўзбекистон ва жаҳоннинг машҳур мутафаккирларининг таваллуд кунлари ва муҳим саналар ҳам ўрин олган.



Жорж Санд


1 июль

Ўзбекистон халқ рассоми, кулол Камол Туробов (1921) 95 ёшда.

Француз ёзувчиси Жорж Санд (Амандина Аврора Люсиль Дюпен 1804 – 1876) туғилган кун.

4 июль

Дунёдаги энг баланд чўққига номи қўйилган англиялик геодезия ва география олими Джордж Эверест (1790 – 1866) таваллуд топган кун.



Джордж Эверест

6 июль

Дунёга машҳур рассом Марк Шагал (1887 – 1985) туғилган кун.

7 июль

Беларусь халқ ёзувчиси, шоир, драматург, публицист Янка Купала (1882 – 1942) таваллуд топган кун.



Маҳмуд Мирзаев

15 июль

Боғдорчилик ва узумчилик соҳасидаги олим, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ташкилотчиси Маҳмуд Мирзаев (1921 – 2000) таваллудининг 95 йиллиги.

16 июль

Ёзувчи, шоир, драматург, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Омон Мухтор (1941 – 2013) таваллудининг 75 йиллиги.



Омон Мухтор

18 июль


Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Борис Лунин (1906 – 2001) таваллудининг 110 йиллиги.

21 июль

Америкалик ёзувчи Эрнест Хемингуэй (1899 – 1961) туғилган кун.

24 июль

Француз ёзувчиси ва драматург Александр Дюманинг (1802 – 1870) таваллуд топган кун.

**25 июль**

Ботаник, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Қодир Зокиров (1906 – 1992) таваллудининг 110 йиллиги.

26 июль

Энергетика соҳасидаги олим, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби Музаффар Ҳомидхонов (1916 – 1972) таваллудининг 100 йиллиги.



Рассом, Ўзбекистон Бадий академияси фахрий аъзоси, Ўзбекистон халқ рассоми Раҳим Аҳмедов (1921 – 2008) таваллудининг 95 йиллиги.

30 июль

Балерина, раққоса, Ўзбекистон халқ артисти Гулнора Маваева (1931) таваллудининг 85 йиллиги.




Физик олим, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Тоймас Йўлдошбоев (1931 – 2011) таваллудининг 85 йиллиги.

1 август

Ёзувчи ва журналист Мақсуд Қориев (1926 – 2010) таваллудининг 90 йиллиги.


Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов (1941 – 2013) таваллудининг 75 йиллиги.

Кимёгар олима Анна Глушенкова (1926) таваллудининг 90 йиллиги.

**5 август**

Француз ёзувчиси Ги де Мопассан (1850 – 1893) таваллуд топган кун.

Россия ва Америкалик рассом, ҳайкалтарош ва архитектор Наум Габо (1890 – 1977) таваллуд топган кун.

**7 август**

Украин ёзувчиси, шоир, этнограф, фольклор, танқидчи ва таржимон Кулиш Пантелеймон (1819 – 1897) таваллуд топган кун.

8 август

Фазогир, синовчи-учувчи ва педагог дунёдаги иккинчи космонавт аёл Светлана Савицкая (1948) таваллуд топган кун.

9 август

Таниқли Финландия ёзувчиси, рассом ва иллюстратор Туве Янссон (1956 – 2001) туғилган кун.





Турабек Долимов

13 август

Тошкент Иқтисодиёт университети ташкил этилганлигининг 85 йиллиги (1931).

Канадалик ёзувчи, ҳайвонлар ҳақидаги асарлар муаллифи, табиатшунос олим, жамоат арбоби Эрнест Томпсон (1860 – 1946) тугилган кун.

16 август

Файласуф, шоир, табиб ва мусиқачи Абу Али ибн Сино (980–1037) таваллуд топган кун.

Гидробиолог олим Авлиёхон Муҳаммадиев (1906 – 1988) таваллудининг 110 йиллиги.

18 август

Геолог олим, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Тўрабек Долимов (1936 – 2011) таваллудининг 80 йиллиги.



Рўзи Чориев

19 август

Ўзбекистон халқ рассоми Александр Волков (1886 – 1957) таваллудининг 130 йиллиги.

21 август

Генетик-селекционер олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Содик Мираҳмедов (1926 – 1988) таваллудининг 90 йиллиги.



Фахриддин Умаров

25 август

Қорақалпоқ халқ шоири Бойниёз Кайипназаров (1916) таваллудининг 100 йиллиги.

28 август

Ранг-тасвир устаси, Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев (1931 – 2004) таваллудининг 85 йиллиги.




Шукрулло Юсупов

1 сентябрь

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллиги куни (1991).

Лирик хонанда ва бастакор, Ўзбекистон халқ ҳофиси Фахриддин Умаров (1926 – 2007) таваллудининг 90 йиллиги.



Франсуа Рене де Шатобриан

2 сентябрь

Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Шукрулло (Шукрулло Юсупов, 1921) таваллудининг 95 йиллиги.

4 сентябрь

Француз шоири ва ёзувчиси, француз романтизмга асос солган дипломат Франсуа-Рене де Шатобриан (1768 – 1848) таваллуд топган кун.



Восил Қобулов


Ўзбек мутафаккир олими Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний (973–1048) таваллуд топган кун.

5 сентябрь

Математик олим, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, физика-математика фанлари доктори, профессор Восил Қобулов (1921 – 2010) таваллудининг 95 йиллиги.

Рус шоири ва ёзувчиси, драматург Алексей Толстой (1817 – 1875) таваллуд топган кун.

Немис композитори, француз катта опера жанри асосчиси Джакомо Мейербер (1791–1864) таваллуд топган кун.



Алексей Толстой

7 сентябрь

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ташкил топган кун (1920).

8 сентябрь

Авар шоири ва ёзувчиси, публицист ва таржимон Расул Ҳамзатов (1923 – 2003) таваллуд топган кун.



Расул Ҳамзатов

10 сентябрь

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Раҳмат Файзий (Файзиев Раҳмат 1918 – 1988) таваллуд топган кун.



Раҳмат Файзий


11 сентябрь

Драматург, режиссёр, театршунос, Ўзбекистон халқ артисти Туреш Алланазаров (1916) таваллудининг 100 йиллиги.

Америка прозаик-ёзувчиси О'Генри (1862–1910) таваллуд топган кун.

13 сентябрь


Инглиз ёзувчиси, драматург Джон Пристли (1894 – 1984) таваллуд топган кун.



Джон Пристли

15 сентябрь

Инглиз ёзувчиси, детектив роман ва пьесалар муаллифи Агата Кристи (1890 – 1976) таваллуд топган кун.



Агата Кристи

19 сентябрь

Инглиз ёзувчиси, романист, Нобель мукофоти лауреати Уильям Голдинг (1911 – 1993) таваллуд топган кун.

25 сентябрь


Адабиётшунос, Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари номзоди Юсуф Султонов (1911 – 1991) таваллудининг 105 йиллиги.

27 сентябрь

Ўзбекистон болалар жамғармаси ташкил этилган кун (1996).

28 сентябрь

Италян рассоми Микеланджело да Караваджо (1573 – 1610) таваллуд топган кун. ■



Микеланджело да Караваджо

КУТУБХОНАНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ҲАЁТИ



Журналнинг мазкур сонида масканимизда 2016 йилнинг 2 чорагида ўтказилган муҳим саналар ва таниқли шахслар таваллудига бағишланган маънавий-маърифий кечалар, хотира кечалари, ижодий учрашувлар, давра суҳбатлари, китоб ва фильмлар тақдироти ҳақида маълумотга эга бўласиз.

Апрель

1 апрель куни Ўзбекистон халқ артисти, кулги устаси, театр ва кино актёри Сойиб Хўжаев ижодига бағишланган «Сойибжон Қизиқ сўзлаганда» деб номланган хотира кечаси бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Зокирова мазкур куннинг тарихи, аҳамияти ва нишонланиш географияси, шунингдек, Ўзбекистон халқ артисти Сойиб Хўжаевнинг ижодий йўли ҳақида қисқача сўзлаб берди. «Сойиб Хўжаев ўзининг ажойиб истеъдоди, бетакрор иборалари билан санъатсеварлар юрагидан жой олган сўз устаси ҳам эди. У турли қутилмаган шароитлардан чиқиб кета олиш қобилиятига эга эди. Сойиб Хўжаев учун ролнинг катта-кичиги бўлмас эди, у киши ҳатто кичик эпизодик ролни ҳам мукамал даражага чиқарар ва томошабинлар ёдида узок сақланадиган ролга айлантлар эди. У ўйнаган фильмлардаги иборалар ҳали ҳам эл оғзидан тушмайди».

Хотира кечасида шоирлар, актёрлар режиссёрлар ўзларининг Сойиб Хўжаев ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашдилар.

5 апрель куни Соҳибқирон, буюк саркарда Амир Темур таваллудининг 680 йиллигига бағишланган «Амир Темур – буюк бунёдкор ва маданият ҳомийси» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққанлар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тамара Маҳкамova, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Тўра Мирзо, филология фанлари номзоди Зухриддин Исомиддинов ва бошқалар Амир Темурнинг мамлакат ва жаҳон тарихида тутган ўрни, унинг ҳаёти ва давлат бошқаруви фаолияти, унинг ҳар қандай мушкул вазиятдан чиқиб кета олиш заковати, мардлиги, жасорати, ватанпарварлиги, топқирлиги, темир иродаси ёш авлод учун ибрат, ҳаёт мактаби ва Ватанга садоқат намунасига айланганини эътироф этишди.

6 апрель куни ёшларимизга ислом динининг асл моҳиятини, турли ғаразли оқимлар ва ҳаракатларнинг тинчликка ва хавфсизликка солаётган таҳдиди, улардан ёшларимизни муҳофаза қилиш, буюк аждодларимизнинг ибратли ҳаёт йўллари ҳамда бой маънавий-маърифий меросларини асраб-авайлашга қаратилган «Диний экстремистик оқимлар,

5 апрель куни Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 680 йиллигига бағишланган «Амир Темур – буюк бунёдкор ва маданият ҳомийси» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди





миссионерлик, оммавий маданият билан боғлиқ мафкуравий таҳдидларнинг олдини олиш» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази вакиллари, ОТМ профессор-ўқитувчилари, талабалари ва кутубхона фойдаланувчилари иштирок этдилар.

7 апрель куни Америка Қўшма Штатларидан келган «Exchange» гуруҳи ижодкорлари билан «Янги авлод мусиқаси – вокал мусиқасида поп ва джаз» мавзусида ижодий учрашув бўлиб ўтди. «The Exchange» беш нафар йигитдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос овоз ва услубга эга. Бу «Акапелла» гуруҳи саналиб, у чолгу жўрлигисиз кўшиқлар куйлайди, ижрода хилма-хил мусиқий услублар – ритм ва блюз, рок, госпел, опера ва хип-хопни қориштиради. Инглиз тилида ўтган ижодий учрашувда иштирокчилар меҳмонларга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат этдилар. Шунингдек, ижодкорларга уларнинг санъатига, касбига, куйлаш услуби ва техникасига, гуруҳнинг концерт репертуари ва ижодий режаларига дахлдор саволлар берилди.

12 апрель куни Ўзбекистон санъат арбоби Мели Маҳкамов ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тамара Маҳкамовалар билан ижодий учрашув бўлиб ўтди. Ижодий учрашув иштирокчилари ўнлаб бадиий, ҳужжатли, телевизион ва театрлаштирилган фильмлар ижодкори Мели Маҳкамовнинг мазмунли ва қизиқарли ижод йўли ҳамда Тамара Маҳкамованинг театр ва телевизион постановкалардаги ёрқин роллари ҳақида фикр юритдилар. Ижодий учрашув қаҳрамонлари эса ўз телевизион лойиҳалари, телемарафонлар ва Соҳибқирон Амир Темур изидан «Етти иқлим ҳукмдори» деб номланган туркум ҳужжатли фильмларнинг суратга олиш жараёни ҳақида сўзлаб бердилар. Тадбирда Тамара Маҳка-

мова роллар ижро этган «Қутлуғ қон», «Дунёнинг ишлари», «Московбой» видеofilmлари ва «Телеминиатюралар театри»дан парчалар намойиш этилди.

18 апрель куни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зариповлар сулоласи асосчиси, биринчи ўзбек қизиқчи аёли – Муборак ая Зарипова таваллудининг 110 йиллигига бағишланган ижодий учрашув бўлиб ўтди. Санъатшунос Раҳим Карим ва Муборак ая Зариповаларнинг Ўзбекистонда цирк санъати ривожига ва дунёда чавандозлик санъатининг оммалаштиришга қўшган ҳиссаларини алоҳида эътироф этди. Санъатшунослик фанлари номзоди, Миллий рақс ва хореография Олий мактаби доценти П. Тошкенов ўзбек цирк санъати пайдо бўлиши, ривожига ва хусусан, Муборак ая Зарипова санъатининг шаклланишига ўша давр тарихий воқеаларининг таъсири ҳақида маълумот берди. Тадбирда Ўзбекистон халқ артистлари Ҳаким Зарипов ва Ҳолида Зариповалар ва сулоланинг ҳозирги вакиллари кўпгина томошалари жаҳоннинг Гиннес Рекордлар китобига киритилгани, сулоланинг тўртинчи авлоди ўз боболари меросини сақлаган ҳолда, уларни замонавий кўринишлар билан бойитиб томошабинлар қалбини забт этиб келаётгани алоҳида эътироф этилди.

25 апрель куни профессор С. Носирхўжаев ва ф.ф.д., профессор С. Аъзамхўжаевларнинг «Ўзбекистон буюк алломалар Ватани» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Иқтисод фанлари доктори, профессор Ё. Абдуллаев тақдимот қатнашчиларини Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган мазкур китоб билан таништираётган экан, китоб ёшларда аждодларимиз мероси ва миллий маънавиятимизга фахр-ифтихор туйғусини уйғотиб, буюк боболарга муносиб авлод бўлиб етишишга ундашини эътироф этди.

26 апрель куни таниқли ёзувчи, драма- ▶

7 апрель куни «Exchange» гуруҳи ижодкорлари билан «Янги авлод мусиқаси – вокал мусиқасида поп ва джаз» мавзусида ижодий учрашув бўлиб ўтди

12 апрель куни Ўзбекистон санъат арбоби Мели Маҳкамов ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тамара Маҳкамовалар билан ижодий учрашув бўлиб ўтди

25 апрель куни «Ўзбекистон буюк алломалар Ватани» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди

26 апрель куни
драматург,
публицист, олим
ва педагог
Абдуқаҳҳор
Иброҳимовнинг
«Илдизим ва ўзим»
тарихий ҳужжатли
романининг
тақдимоти бўлиб
ўтди

тург, публицист, олим ва педагог Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Илдизим ва ўзим» тарихий ҳужжатли романининг тақдимоти бўлиб ўтди. Олим, адиб ва таржимон Иброҳим Ғафуров тақдимот иштирокчиларини асарнинг ғоявий мазмуни билан таништирди ва «Илдизим ва ўзим» тарихий ҳужжатли романи ёш авлоднинг маънавий баркамол бўлиб етишишида муаллифнинг шахсий намунаси орқали юксак бадиий маҳорат билан тасвирланган китобдир. Унда адиб барча қийинчиликларни кучли матонат билан енгиб, ўз мақсади сари интилади. Юридик фанлар доктори, профессор Акмал Саидов «Илдизим ва ўзим» тарихий ҳужжатли романида Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг бадиий, сиёсий, ҳуқуқий ёндошувини, йўналишлар уйғунлигини таъкидлади ва «Муаллиф мазкур асарида маҳорат билан ватанпарварлик, инсонпарварлик миллий менталитет ва ўзбек халқининг миллий қадриятларига бўлган муносабатини ифодаловчи ҳаётий воқеаларга китобхонлар эътиборини қаратади.

29 апрель куни
«Зокировлар
сулоласининг
ёрқин
намояндалари –
Ботир ва Фарруҳ
Зокировлар»
ижодига
бағишланган кеча
бўлиб ўтди

29 апрель куни Зокировлар сулоласининг ёрқин намояндалари – Ботир ва Фарруҳ Зокировлар ижодига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокировнинг 80 йиллиги, Ўзбекистон халқ артисти Фарруҳ Зокировнинг 70 йиллиги ва «Ялла» эстрада гуруҳига асос солинганлигининг 45 йиллигига бағишланган тадбирда шоир ва бастакорлар, театр артистлари ва эстрада хонандалари, таниқли журналистлар ва кутубхона фойдаланувчилари иштирок этдилар. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов тадбир иштирокчиларига Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров билан ижодий ҳамкорлиги ва дўстона муносабатлари ҳақида сўзлаб берди. Ўзбекистон халқ артисти Фарруҳ Зокиров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Ашуралӣ Жўраев, Ўзбекистон халқ ҳофизии Ҳасан Ражабий, журналист ва ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад-

лар ўз чиқишларида Ботир Зокиров билан бўлган суҳбатларини хотирадидилар. Кеча иштирокчилари Зокировлар сулоласи вакиллари ҳақида кўпгина қизиқарли маълумотларга эга бўлдилар ва Фарруҳ Зокиров ижросида «Ялла» чолғу ансамблининг репертуаридан қўшиқлар тинглаш имкониятига эга бўлдилар.

Май

5 май куни Қатагон қурбонлари хотираси музейи ва шаҳидлар хотираси жамоат фонди томонидан чоп этилган «Тарихнинг номаълум саҳифалари» номли тўпламининг 5-китоби тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирда тарихчи олимлар, адабиётшунослар, файласуфлар, юрист олимлар, Қатагон қурбонлари хотираси музейи ходимлари, «Шаҳидлар хотираси» жамоат фонди вакиллари, китобда чоп этилган мақолалар муаллифлари, илмий тадқиқотчилар, талабалар ва кутубхона фойдаланувчилари иштирок этдилар.

Шу куни яна Ўзбекистон Миллий кутубхонаси қошидаги «YS» чет тилларни ривожлантириш ва тарғиб этиш маркази аъзолари ва кўнгилчилари «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда «Инсон азиз, хотира муқаддас» деб номланган тадбир ўтказдилар. «Хотира ва қадрлаш куни» арафасида бўлиб ўтган тадбирдан кўзланган мақсад ёшларда кекса авлод вакилларига нисбатан миннатдорчилик, эҳтиром ва ифтихор туйғусини шакллантириш ва бу билан ўтмишни қадрлашга қаратилган.

6 май куни алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси меҳнат фахрийлари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ривожига салмоқли хисса қўшган соҳа вакиллари, меҳнат фахрийлари, Тошкент алоқа коллежи ўқитувчилари ва ўқувчилари ҳамда кутубхона фойдаланувчилари иштирок этдилар. Учрашувда сўзга чиққанлар республикамиз алоқа соҳасининг мустақилликдан аввалги ҳолати, мустақиллик





йилларида амалга оширилган ислохотлар, амалдаги лойиҳалар, илмий тадқиқотларнинг замонавий жараёнга татбиқ этилиши ҳақида сўзлаб бердилар.

12 май куни Ўзбекистон Миллий кутубхонаси қошидаги «Чет тилларни ривожлантириш ва тарғиб этиш маркази» аъзолари ва кўнгилчилари орасидан иқтидорли ёшларни саралаш ва уларни ривожлантиришда хайрихоҳлик қилиш мақсадида «Ys Talent» мусобақаси ўтказилди. Унда «Чет тилларни ривожлантириш ва тарғиб этиш маркази» аъзолари ва кўнгилчилари томонидан тузилган 9 жамоа беллашди. Мусобақа «Танишув», «Сўз ўйини» ва «Қизиқарли саҳна кўринишлари» деб номланган уч шартдан иборат эди. Жамоалар чиқишини кўнгилчиларидан иборат ҳайъат аъзолари баҳолаб бордилар ва «Non stop» ва «Mixeg» жамоаларининг чиқишларини қувноқ ва қизиқарли деб топдилар.

13 май куни Ўзбекистон халқ артисти, хонанда Муҳиддин Қори-Ёқубов таваллудининг 120 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди. Хотира кечасида сўзга чиққанлар устоз, театр арбоби, баритон-хонанда, ўзбек маданиятининг ҳомийси сифатидаги хотиралари билан ўртоқлашдилар. Хотира кечасида Муҳиддин Қори Ёқубов фаолиятига бағишланган ҳужжатли фильм намойиш этилди. Ўзбекистон давлат консерваторияси талабалари Г. Нурметова, У. Жуманиёзов ва И. Раҳматовлар ижросида эса Муҳиддин Қори Ёқубов томонидан ижро этилган «Майсаранинг иши» операсидан ариялар янгради. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фойеида эса Муҳиддин Қори Ёқубов ҳаёти, ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи санъатшунослик институти ва Қори Ёқубовлар оиласи томонидан тақдим этилган фотосуратлар кўргазмаси очилди.

16 май куни манбашунос, тилшунос олим, филология фанлари доктори, профессор, ЎзФА академиги Алибек Рустамов таваллудининг 85 йиллиги муносабати билан хотира

кечаси бўлиб ўтди. Унда адабиётшунослар, тилшунос олимлар, адиблар, талабалар ва кутубхона фойдаланувчилари иштирок этдилар. Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Шукур Қурбон кеча қатнашчиларини Алибек Рустамовнинг илмий фаолияти билан таништирди. Тадбирда сўзга чиққанлар олимнинг ўз илмий-педагогик фаолияти давомида олий таълим муассасаларида самарали меҳнат қилиб, илм-фанимизни ривожлантириш, юксак малакали филолог кадрлар тайёрлаш ишига қўшган муносиб ҳиссаси ҳақида сўзлаб берди. «У бутун умрини Алишер Навоийнинг бадиий тилини ўрганишга бағишлади. Алибек Рустамов нафақат адабиётшунос, балки маънавиятшунос ҳам бўлган. Зеро унинг сўнги изланиши шу мавзуга бағишланган бўлиб, «Алишер Навоийнинг маънавий дунёси» деб номланди», деди.

18 май куни Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фойеида Халқаро музейлар кунига бағишланган «Ўзбекистон – ёруғ осмон остидаги музей» фотокўргазмаси очилди. Фотокўргазмада санъатшунослар, журналистлар, фотосуратчилар, музейшунослар ва кутубхона фойдаланувчилари иштирок этдилар. Мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад – жамоат эътиборини музей экспонатларининг, миллий, маданий бойликларининг ноқонуний ташилиши, ўзга мамлакатларга олиб кетилишидан огоҳлантириш, ташриф буюрувчиларни ва сайёҳларни халқнинг бой маданий мероси, мамлакатнинг ютуқлари билан таништиришдан иборат. Тадбирда сўзга чиққанлар музейларнинг жамиятнинг маданий ривожланиши ва баркамол авлоднинг ҳар томонлама тарбиясидаги роли ҳақида гапирдилар. Иштирокчилар кўргазмада фоторассом Турсунали Қўзиёев ижодига мансуб, очиқ осмон остидаги музейлар билан таништирувчи ва ЮНЕСКОнинг маданий мерослар рўйхатидан жой олган музейлар, шаҳар-

13 май куни
Ўзбекистон халқ
артисти, хонанда
Муҳиддин
Қори-Ёқубов
таваллудининг
120 йиллигига
бағишланган
хотира кечаси
бўлиб ўтди

16 май куни
манбашунос,
тилшунос олим,
филология фанлари
доктори, профессор,
ЎзФА академиги
Алибек Рустамов
таваллудининг
85 йиллиги
муносабати билан
хотира кечаси
бўлиб ўтди

18 май куни
Хожа Аҳмад
Яссавий ҳаёти ва
ижодига
бағишланган
«Яссавий
меросининг ёшлар
маънавий
тарбиясидаги
ўрни» номли
давра суҳбати
бўлиб ўтди



музейлар ва тарихий обидалар фотосуратлари билан яқиндан танишдилар.

18 май куни буюк мутафаккир Хожа Аҳмад Яссавий ҳаёти ва ижодига бағишланган «Яссавий меросининг ёшлар маънавий тарбиясидаги ўрни» номли давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда файласуф олимлар, тилшунослар, шарқшунослар, илмий тадқиқотчилар ва кутубхона фойдаланувчилари иштирок этдилар. Тадбирда сўзга чиққанлар буюк Шарқ мутафаккири, тасаввуф илмининг машҳур намояндalarидан бири, кароматгўй шoir, «Кароматлар», «Ҳикматлар», «Девони ҳикмат» китоблари муаллифи Хожа Аҳмад Яссавий ҳаёти, фаолияти, унинг руҳий устозлари, маърифатпарвар ғоялари ва илғор қарашлари ҳақида гапирдилар. Хожа Аҳмад Яссавий шеъриятининг кенг тарқалиши ва халқ орасида севиб ўқилишининг асосий сабаблари, уларнинг халқ оғзаки ижодига ниҳоятда яқинлиги ҳақида маълумот бердилар ва унинг панду насихатларга бой мисраларига юзландилар. Давра суҳбати иштирокчиларига Хожа Аҳмад Яссавийнинг бой маънавий мероси билан таништирувчи, унинг Соҳибқирон Амир Темур билан бўлган муносабатлари ва Яссавий қabri устида юксак «Ҳазрат Султон» мақбарасининг қад ростлаши ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм намоиш этилди.

20 май куни Ўзбекистонда хизмат кўрсат-

20 май куни
Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган
санъат арбоби,
бастакор Мутал
(Мутаваккил)
Бурҳонов
таваллудининг
100 йиллигига
бағишланган
хотира кечаси
бўлиб ўтди



ган санъат арбоби, бастакор Мутал (Мутаваккил) Бурҳонов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди. Тадбирда санъатшунослар, бастакорлар, Ўзбекистон давлат консерваторияси ва Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабалари иштирок этдилар. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директор ўринбосари Умида Тешабоева тадбир иштирокчиларини қутлади ва Мутал Бурҳонов ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқача маълумот берди. Тадбир доирасида Мутал Бурҳонов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан адабиётлар кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда бастакор томонидан ёзилган китоблари, дарсликлар, хрестоматия ва муסיкий асарлари, шунингдек, бастакорнинг ижодий фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи мақолалар ўрин олган газета ва журналлари тақдим этилган.

Июнь

1 июнь куни «Соғлом она ва бола йили» ва Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган «Ватанингни англа» шиори остида туркум тадбирлар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси қошидаги «Чет тилларни ривожлантириш ва оммавийлаштириш маркази» аъзолари ва кўнгилчилари томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Тошкент шаҳридаги 23-сон меҳрибонлик уйи тарбия-





ланувчилари иштирок этдилар. Болалар олти-та жамоага бўлиниб, ўз жамоалари учун ном ва шиор танлаб, мусобақада беллашдилар. Мусобақа топшириқлари иштирокчиларнинг топқирлиги, зукколиги, ҳозиржавоблиги ва чаққонлигини синовчи бир неча босқичдан иборат эди. Чет тилларни ривожлантириш ва оммавийлаштириш маркази кўнгилчилари болажонларга ўзлари саҳналаштирган «Қизил қалпоқча» эртагининг янгича талқинини намойиш этдилар. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳам ўз ўрнида Ватанимизнинг гўзаллигини тараннум этувчи шеърлар ўқиб бердилар. Тадбир доирасида «Истиқбол» залида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган «Шодон кулгусидан олам мунаввар» номли китоб-расми кўргазма очилди.

2 июнь кун «Алишер Навоий: қомусий луғат» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Тақдимотда навоишунос олимлар, адабиётшунослар, тилшунослар, тарихшунослар, турли наشريётлар вакиллари ва кутубхона фойдаланувчилари иштирок этдилар. Тадбирда сўзга чиққанлар мазкур китобнинг долзарблиги, унинг тузилиши ва мазмуни ҳақида сўзладилар. Китобнинг аҳамияти ҳақида Ўзбекистон Қаҳрамони Суйима Ғаниева ушбу китоб буюк мутафаккир ва шоир Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Рес-

публикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлангандир. Унда шоирнинг ҳаёт йўли, асарлари, поэтикаси, образлар олами, устозлари, замондошлари, шогирдлари ҳақида навоийшуносликнинг илмий натижалари асосида мухтасар маълумот берилган» деди. Шунингдек, тақдимотда навоийшунос, О. Давлатов, адабиётшунос олим И. Ғофуров, навоийшунос, филология фанлари доктори А. Эркиновлар сўзга чиқдилар. Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти катта илмий ходими Б. Ражабова китоб муаллифларига буюк шоир ижодини ёритиб берувчи таърифлар, жадваллар, расмлар ва кўрсаткичлар кўринишида берилган бой материаллар тўплами ва Алишер Навоий ҳақидаги тўлиқ маълумотга эга бўлиш имконини яратганлари учун миннатдорчилик билдирди.

3 июнь кун рус шоири Александр Сергеевич Пушкин таваллудининг 217 йиллигига бағишланган онлайн-мулоқот бўлиб ўтди. «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Ўзбекистоннинг таниқли шоир ва ёзувчилари, рус тили ва адабиёти ўқитувчилари, талабалар, Тошкент шаҳридаги 50-мактаб ўқувчилари ва кутубхона фойдаланувчилари иштирок этдилар. «Камолот» ҳузурида меҳмонда» лойиҳаси асосида ўтказилган онлайн-мулоқотда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбо-

1 июнь кун
«Соғлом она ва бола йили» ва «Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига» бағишланган «Ватанингни англа» шиори остида туркум тадбирлар бўлиб ўтди

2 июнь кун
«Алишер Навоий: қомусий луғат» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди



3 июнь куни рус шоири А.С.Пушкин таваллудининг 217 йиллигига бағишланган онлайн-мулоқот бўлиб ўтди



сари шоир Сирожиддин Саййид, филология фанлари номзоди К. Бобожонова, 50-мактаб рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Ф. Худоёровлар сўзга чиқдилар. Шоир Сирожиддин Саййид Пушкин ижоди ва шеъриятида шарқона мотивлар ҳақида ҳикоя қилди. Жумладан У: «Буюк рус шоири ва драматурги А.С.Пушкиннинг шеърлари, эртаклари, ҳикоя, қиссалари, баллада ва романлари ўзбек китобхонлари томонидан севиб ўқилади, унинг кўплаб асарлари ўзбек тилига таржима қилинган, ўзбек олимлари унинг шеъриятини ўрганадилар, Пушкинхонликлар ўтказилади. Унинг шеърлари шеърятга муҳаббатни пайдо қилади. У нафақат эртаклар ёзар, балки уларни тинглашни ҳам хуш кўрар эди. Пушкин барча фаслларни севар, шунинг учун ҳам ҳар бир фасл уни ўзгача илҳомлантирар эди. Унинг истеъдоди ўша барча давр ёзувчи ва шоирлари учун ибрат мактаби эди». Онлайн-мулоқот давомида меҳмонлар Республика-мизнинг олис ҳудудларидаги тадбир иштирокчиларидан келиб тушган саволларга жавоб бердилар.

10 июнь куни Тошкент давлат Миллий рақс ва хореография олий мактаби билан ҳамкорликда ўзбек хореографияси санъати кекса авлод вакиллари билан «Ёши улуғ санъаткорлар – халқ эъзозиди» мавзусида ижодий учрашув ўтказилди. Тадбирда санъатшунослар,



хореографлар, раққосалар, журналистлар, талабалар ва кутубхона фойдаланувчилари иштирок этдилар. Ижодий учрашувда ўзбек миллий рақс ва хореография санъатига улкан ҳисса қўшган санъаткорлар: Ўзбекистон халқ артистлари Қундуз Миркаримова, Клара Юсупова, Гулнора Маваева, Валентина Проскурина, Бернара Қориева, Ражаб Тангуриев, Фотима Носирова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият арбоби Раиса Хожисаидоваларнинг хизматлари алоҳида тилга олинди. Ёши улуғ санъаткорлар ўз фаолиятлари, устозлари ва шоғирдлари ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашдилар ва ўзбек миллий балет санъатининг ривожланиш босқичлари ҳақида ўз фикрларини билдирдилар. Ижодий учрашувда Ўзбекистонда балет санъатига асос солиниши ҳақида ҳикоя қилувчи «Ўзбек балети. Бошланиш» ҳужжатли фильми намойиш этилди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист А. Бобожонова «Севги тилсими» балет операсидан партия ижро этди.

28 июнь куни Тошкентнинг «Фаввора фильм» студиясида суратга олинган «Тошкентнинг кенг бағри» («Большое сердце Ташкента») деб номланган ҳужжатли фильм тақдими бўлиб ўтди. Тақдимотда фильм ижодкорлари, драматурглар, сценарий муаллифлари, кинотанқидчилар ва кутубхона

10 июнь куни «Ёши улуғ санъаткорлар – халқ эъзозиди» мавзусида ижодий учрашув ўтказилди





фойдаланувчилари иштирок этдилар. Томошабинларни ўзига мафтун этган «Тошкентнинг кенг бағри» («Большое сердце Ташкента») фильми намойишидан сўнг тақдимот иштирокчилари ўзларининг фильм тўғрисидаги таассуротлари ва ота-оналари ёки ўзлари гувоҳи бўлган уруш йиллари хотиралари билан ўртоқлашдилар. Фильм тақдимотида ўзбек халқининг бағрикенглиги, эвакуация қилинган бошқа миллат вакилларига нафақат меҳр кўрсатганлиги, балки уларнинг ма-


данияти тараққиётига ҳам хайрихоҳлик билдирганлиги ва мазкур фильм шубҳасиз, Тошкентнинг «ташриф қоғозига» айланиши ҳақида сўз борди. Фильмни томоша қилганлар мустақил Ўзбекистонимизнинг Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги жонбозлиги ва 25 йиллик тўйи арафасида қўлга киритган ютуқларини холис баҳолаш имкониятига эга бўлдилар.

28 июнь куни Тошкентнинг «Фаввора фильм» студиясида суратга олинган «Тошкентнинг кенг бағри» («Большое сердце Ташкента») деб номланган хужжатли фильм тақдими бўлиб ўтди

В статье представлена информация о проведённых в Национальной библиотеке Узбекистана социо-культурных мероприятиях, во второй четверти 2016 года. Это: духовно-просветительские мероприятия, творческие встречи, вечера памяти, беседы за круглым столом, семинары, мастер-классы, презентации книг и фильмов, конкурсы и викторины, а также тематические и личные фото-книжные выставки и выставки картин.

В этот период состоялись: вечер памяти, посвящённый творчеству народного артиста Узбекистана, актёра театра и кино С.Ходжаева «Когда говорит Сойибжон Кизик беседа на тему «Амир Темура-великий создатель и меценат науки», посвящённая 680-летию великого полководца Амира Темура; круглый стол на тему «Предотвращение идеологических угроз, связанных с массовой культурой, миссионерством, религиозными экстремистическими течениями»; творческая встреча с американской группой «Exchange» уна тему «Музыка нового поколения – вокал в поп- и джаз-музыке»; творческая встреча с режиссёром-постановщиком М.Махкамовым и режиссёром Т.Махкамовой; библиографический обзор и открытая выставка литературы под названием «Создатель, подаривший душу музыке», посвящённые 120-летию народного артиста Узбекистана, певца и композитора Т.Джалилова; научно-теоретический семинар приуроченный ко дню науки на тему «Проблемы философии и методологии наук», посвящённый 95-летию профессора О.Файзуллаева; творческая встреча с цирковой династией Зариповых, посвящённая 110-летию М.Зариповой, в фойе библиотеки фотовыставка, посвящённая деятельности династии; презентация книги «Узбекистан – страна великих учёных» («Узбекистон буюк алломалар Ватани»), посвящённой 25-летию независимости Республики Узбекистан; VII Медиаконференция, посвящённая новым возможностям Интернет-журналистики – Краудсорсинг и Краудфандинг; вечер памяти, посвящённый 80-летию певца, актёра, художника, народного артиста Узбекистана Б.Закирова; презентация книг, посвящённых изучению жизни и научно-духовного наследия великих мыслителей и учёных «Хазрат Имом ал-Бухари», «Абу Исо ат-Термизи. Ал-Хаким ат Термизи»; вечер памяти, посвящённый 120-летию народного артиста Узбекистана М.Кори-Якубова; круглый стол, посвящённый 975-летию поэта Ходжа Ахмада Яссави; вечер памяти, посвящённый 100-летию композитора М.Бурханова; цикл мероприятий под девизом «Познай Узбекистан», посвящённый «Году здоровой матери и ребёнка» и Международному дню защиты детей; презентация книги «Энциклопедический словарь Алишера Навои» («Алишер Навоий комусий лугати»); презентация книги «Говорит Ташкент» («Тошкентдан гапиримиз») и презентация документального фильма «Большое сердце Ташкента». ■

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ ФОНДИГА КЕЛИБ ТУШГАН ЯНГИ БОСМА НАШРЛАР



Sa'diy Sheroziy. Hikmatlar / nashrga tayyorlovchi va izohlar muallifi E. Ochilov. – Toshkent : O'zbekiston, 2015. – 248 b. – (Tafakkur tuhfalari). ISBN 978-9943-28-388-6

Бу ҳикматлар ўз даврининг барча илмларини эгаллаган аллома, дунё кезиб ҳаётни ҳар тамонлама ўрганган жаҳонгашта донишманд, олам ва одам моҳияти устида бир умр мушоҳада юритган мутафаккир, дунёни мукамал, тўқис, инсонни баркамол кўришни орзу қилган, баъни башар тақдири учун масъул зотнинг ранг-баранг ўй-фикрлари, теран фалсафий умумлаштирмалар, пурмаъно ҳаётий хулосалардир. Шайх Саъдийнинг мухташам ҳикматхонасидан дасталанган ушбу тўпلام ҳикматсевар халқимизга муносиб тухфа бўлишига ишонамиз.




Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар: роман. – Тошкент : Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – 492 б. ISBN 978-9943-03-710-6

Абдулла Қодирийнинг айтишича: «Бу китобни бир марта эмас, беш марта ўқиш керак. Шунда сиз турмушни, тарихни, сиёсатни одобни ва тилни ўрганасиз». Ҳурматли ўқувчи, мана, қўлингизга яна «Ўтган кунлар» асарини олдингиз бу сафар ҳам ушбу китобни бир олам таассурот билан ўқиб чиқишингизга аминмиз.

Umarbekov, O'lmas. O'ying oltin o'rtog'i / To'plab nashrga tayyorlovchi L. Igamova. – Toshkent : O'zbekiston, 2015. – 192 b.

Hikoyalar xazinasi
ISBN 978-9943-28-386-2

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, истеъдодли адиб Ўлмас Умарбеков ўнлаб ҳикоялар, қиссалар, романлар, драматик асарлар муаллифидир. У ўз асарларида ҳамisha инсонлардаги маънавий-ахлоқий фазилатларини ардоқлашга, улуғлашга интилган.



Nosirxo'jayev S., A'zamxo'jayeva S. O'zbekiston buyuk allomalar vatani: ko'rgazmali va izohli ma'rifiy-uslubiy qo'llanma. – Toshkent : O'qituvchi NMIU, 2016. – 152 b.

ISBN 978-9943-02-927-9


Халқимизнинг маънавий дунёқарашининг юксалиши миллий истиқлол мафқураси билан умуминсоний қадриятлар уйғунлигини тақазо этади. Бунга эришиш учун эса, жумладан, ўтмишимизни билишимиз ва тарғиб қилишимиз лозим. Шу нуқтаи назардан мазкур қўлланмада буюк алломалар – миллий адабиётимиз асосчилари, маърифатпарвар аждодларимиз, илм-фан, адабиёт ва санъат фидоийлари ҳақида батафсил маълумот беради.



Йоҳанн Вольфганг Гёте. Ғарбу Шарқ девони / тарж. М. Акбаров . – Тошкент : Янги аср авлоди, 2016. – 272 б.

ISBN 978-9943-27-669-7

Немис ёзувчиси Каус Зееҳаффер қаламига мансуб ушбу рисолада ўз ижоди билан жаҳон адабиёти хазинасига салмоқли ҳисса қўшган улуғ сиймонинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади. Китобдан, шунингдек, даҳо шоир ва мутафаккир қаламига мансуб табиат, инсон, ҳаёт, ижод ва санъат ҳақидаги ҳикматлар ҳам ўрин олган.





Сафаров, Рубен. Царственный звездочёт: роман новеллах. – Ташкент : Узбекистан, 2015. – 272 с.

ISBN 978-9943-28-448-7


Р.А.Сафаров автор ряда романов – «Усто и эмир», «Судьба мастера», повестей «Когда цветет акация», «Правила хорошего тона» и др. А также сборников статей и очерков. Представленный роман в новеллах «Царственный звездочёт» посвящен эпохе и личности Улугбека, великого мыслителя, ученого, просветителя и государственного деятеля.



Uayld, Oskar. Yulduz bola: ertaklar / tarj. Z. Jalolova. – Toshkent : Yangi asr avlodi, 2016. – 164 b. Kamolot kutubxonasi

ISBN- 978-9943-27-634-5

Камолот кутубхонаси рукни орқали тақдим этилаётган навтабдаги китобни қўлга олишингиз билан қалбингиз севинчга тўлади. Дарҳақиқат, қувончингизга шерик бўладиган, қувончингизга сабаб бўладиган янги қахрамонлар билан энди Оскар Уайлд эртаклари орқали танишасиз. Табиийки, бу гал қахрамонлар олдингидан бироз бошқачарок, ғайритабиий характерга эга, улар билан бўладиган воқеалар ҳам ноодатий.



Минг бир кеча: араб эртаклари: 8 жилдлик/ тарж. А.Расулов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – 584 б.

«Минг бир кеча» эртаклари узоқ ўтмишнинг ажойиб воқеаларини юксак бадиий маҳорат билан тасвишлаб берувчи асардир. Бу асар ўзида акс этган ва ёритилган мавзуларнинг кўплиги, ранго-ранглиги билан ҳам жаҳон адабиёти миқёсида алоҳида ўрин олган, дунё халқлари орасида шуҳрат қозонган. ■



МИЛЛИЙ КУТУБХОНА ТАРБИЯ МАСКАНИ

» **Г**ерманиялик файласуф ва математик Готфрид Лейбниц кутубхоналарни «инсоният барча руҳий бойликларининг дурдоналаридир», деганда қанчалик ҳақ эди. Чунки яратилган ҳар қандай ижод намунаси руҳият бўлаги. Улар жамулжамии инсоният хазинасидир. Бу катта қудратга эгаллик дегани ҳам. Хўш, биз шу хазинадан фарзандларимизни қай даражада баҳраманд қилмоқдамиз?

Юртимизда 2016 йил – «Соғлом она ва бола йили» Давлат Дастурига мувофиқ, оилани, оналик ва болалик муҳофазаси, аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш, соғлом болани тарбиялашда уларнинг ролини ошириш, кучли, барқарор ва равнақ топаётган давлатнинг негизи сифатида оила институтини мустаҳкамлашга йўналтирилган маданий-маърифий ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Миллий кутубхонасида бу борда кўплаб ижодий учрашувлар, маҳорат дарслари, соғлом оналик ва болаликни тараннум этувчи кўргазмалар намоиши ташкил этилмоқда.

Бугун фикрлари сизга ҳавола этилаётган фойдаланувчиларнинг фарзандларини, яқинларини шу бойликдан бебаҳра қолмаслиги учун ҳаракат қилаётган ҳамюртларимиздир. Журналимизнинг бу сонида фарзанд тарбиясида китобнинг ўрни ҳақида суҳбат қураимиз.

» **М**ен оилам билан Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг доимий фойдаланувчилариданمиз. Айниқса, болаларим билан бу ерга келганимизда уларнинг китоб ўқишларини илм олиб ўтирган ака-опаларига ҳавас билан қараб турганлигини кўриб севинаман. Ўзим эса ҳозирги кунда илмий иш устида иш олиб бораяпман. Илмий ишимни самарали ва аниқ олиб боришим учун, албатта, менга хотиржамлик, тинчлик, фикрларимни жамлаш ва бир томонга йўналтириб зарурий хулосалар чиқариш учун сокин муҳит бўлиши лозим. Менимча, Ўз-

бекистон Миллий кутубхонасига келган ҳар қандай илмий ходим ўз илмий иши учун шундай муҳитни топа олади. Кейин, бу ерга келиб, керакли адабиёт, газета ва журналларни олдинга жамлаб ишлашнинг ўзига хос устунлиги, афзаллиги бор. Гоҳида кутубхонадан ташқарида бўлганингда бирон маълумотдан беҳабарлигини билиб қоласану, бирдан ишинг тўхтаб қолади. Бу ерда бундай хавотирга ўрин йўқ. Мен бу ерга келувчи ёшларга қарата бир нарсани айтмоқчи бўлардим, Миллий кутубхонада ўтган ҳар бир вақтингизни қадрланг, ундан унумли фойдаланинг.



Акмал Йўлдошев,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети катта илмий ходими

» **Б**угун кутубхонага ўзим эмас жиянимни ҳам кутубхона билан таништириш учун олиб келдим. Жияним Ҳимматов Фарҳоджон 12 ёшда. Китоб ўқишга жуда ҳам қизиқади. Шу пайтгача у «Дунёнинг ишлари», «Сарик девни миниб», «Оқ кема», «Кичкина шаҳзода», «Эзоп масаллари» каби кўплаб китобларни ўқиб чиққан. Мен унинг бунчалик хурсанд бўлиб кетишини билганимда Ўзбекистон Миллий кутубхонасига эртароқ олиб келардим. У барча китобларни ўқимоқчи бўлиб, ҳар бир китобга ҳавас кўзи билан қарамоқда. Ҳақиқатдан мен ҳам бу кутубхонага биринчи марта келганим-

да севиниб кетганман. Бу ердаги шароитлар, китоблар ва компьютерлар барча-барчаси биз ёшлар учун муҳайё қилинган. Биздан фақат ўқиш, ўрганиш талаб қилинади.

Жияним ҳам шу кутубхонанинг доимий фойдаланувчиси бўлишни ният қилаяпти. Чунки бу ерда болалар адабиётининг бош хазинаси сақланади. Бу китобга қизиққан ҳар бир бола учун муҳим бир омилдир. Мен, биламан, у уйга бориб, онасига, сингилларига, эртага эса, тенгдошлари билан бугунги таассуротларини ўртоқлашади. Бу кун эса, менимча, унинг ёдидан сира ўчмайди.



Ўлмас Файзиёв,
талаба



Нафиса Аҳмадова,
уй бекаси

» **Б**ола тарбияси ота-она учун барча нарсадан муҳим жараён деб биламан. Чунки сиз катта қилаётган бола эртага юрт корига яраши, ўзи туғилган маҳалласи, шаҳри ва вақтини шанини сақлаши, бугун унинг қандай таълим ва тарбия олаётганлиги билан белгиланади. Шунинг учун, мен доим фарзандим билан бирга бўлишга, уни қизиқтирган саволларига жавоб беришга ҳаракат қиламан. Унинг соғ-саломат улғаяётганлигини билиш учун кўз-қулоқ бўлман. Бу унинг табиий соғлом бўлиб ўсиши учун ёрдам беради. Аммо унинг руҳиятини бойитиш, билим савиясини ошириш ҳам асосий мақсадлардан биридир. Шунинг учун доим китоб ўқишга, шу орқали фарзандларимни ҳам китобга бўлган меҳрини оширишга ҳаракат қиламан. Ўзбекистон Миллий кутубхона-

сига кўп келиб тураман. Камида, бир ҳафтада бир марта келмасам, болам нимадандир қуруқ қолаётгандай туйилади. Бу ерда она ва болалар учун барча қулайликлар муҳайё. Кутубхона биносига киришингиз билан болаларга ажратилган хонага кўзингиз тушади. Бу хона болалар учун қизиқ ва қулай бўлган жиҳозлар билан безатилган. Зарурий юмиш билан кутубхонага келган ота-оналарнинг ёш болаларини олиб қолиб, уларга меҳр билан қараб туриши албатта, қувонарли ҳол. Бу биз каби уй бекаларига катта қулайлик бўлиб, бемалол ўзимизни қизиқтирган ахборотлардан хабардор бўлиш имконини беради. Менинг ниятим – барча ота-оналар бола тарбиясида китобга эътибор бериб, унга меҳр қўйиш кўникмасини шакллантирсалар. Чунки китоб бемисил хазинадир.



Чарос Ҳамидова,
Ўзбекистон давлат
санъат ва маданият
институтининг
магистранти

» **М**ен бугунги кунда талаба бўлишим билан биргаликда уй бекаси ҳамда онаман. Бу вазифаларни ҳар бирини уддалашим жуда муҳим. Лекин она учун энг асосий бурч фарзанд тарбиясидир, албатта. Бу эса, аёлдан жуда катта куч, чидам ва сабр талаб қилади. Боланинг зукко ва кучли бўлиши учун у доим ақлан ва жисмонан соғлом ўсиши керак.

Бугунги кунда кўпчилик ота-оналар фарзандининг маънавий оламини бойитишга кўп ҳам эътибор қаратишмаётгани ачинарли ҳол. Буни катта хато деб биламан. Чунки унинг маънавияти, эртамининг асосий пойдеворидир. Бунда китоб оналарнинг асосий қуроли бўлмоғи лозим.

Ҳозирги ахборот технологиялар асри компьютер, телефон, турли хил машиналар ҳаётимизнинг бир бўлагига айланган бир даврда китобга бўлган муносабат бироз сусайганга ўхшайди, лекин ана шу техникалар китобдан олган таассуротни, завқни бера олмайди. Ахборот технологиялари соҳаси бўйича юқори босқичга чиққан дунёнинг мана ман деган давлатларида ҳам китобга, кутуб-

хоналарга бўлган муносабат ҳавас қиларли даражада юқори. Айрим мамлакатларнинг кутубхоналари ҳаттоки 24 соат ишлар экан. Талаба-ёшлар кечаю кундуз у ерда ўқиб изланишар экан. Бу борада биз ҳам гурурлансак бўлади, боиси энг йирик кутубхоналардан бўлмиш Миллий кутубхона юртимизнинг кўрқу фаҳрига айланган. Улғувор ва мухташам бино, кенг ва ёруғ ўқув заллари, замонавий ахборот технологиялари, юқори даражадаги хизмат кўрсатиш ва албатта энг бой китоб фондига эга ушбу даргоҳга бугунги кунда кўплаб юртдошларимиз ташриф буюришади. Мен ҳам фойдаланувчилар қатори ушбу кутубхонага аъзман ва бу ер менинг энг сеvimли масканларимдан бири. Бўш вақтларимда кутубхонага келиб китоб варақлайман, соҳамга керакли бўлган адабиётларни қидираман. Талаба бўлганлигим боис битирув малакавий ишимга доир илмий ишлар, диссертацияларни кўриб чиқаман. Баъзида маданий ҳордиқ олиш учун кино залда фильмлар томоша қиламан. Мен ишонаманки, эртага фарзандларим учун ҳам бу сеvimли маскан бўлиб қолади. ■



ОБУНА – 2016



ОБУНА ИНДЕКСИ –1277

«INFOLIB» АХБОРОТ-КУТУБХОНА ХАБАРНОМАСИНИНГ ҲУДУДЛАРАГО ОБУНА БАҲОСИ ВА «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ

| ҲУДУДЛАР | ОБУНА БАҲОСИ | ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАР |
|------------------------------|--------------|--------------------|
| Қорақалпоғистон Республикаси | 87 883 сўм | (361) 222 88 68/63 |
| Андижон вилояти | 88 000 сўм | (374) 225 34 53 |
| Бухоро вилояти | 90 080 сўм | (365) 221 56 90 |
| Жиззах вилояти | 80 000 сўм | (372) 222 40 01 |
| Қашқадарё вилояти | 86 420 сўм | (375) 225 40 27 |
| Навоий вилояти | 91 545 сўм | (436) 223 26 86 |
| Наманган вилояти | 84 952 сўм | (369) 239 10 88 |
| Самарқанд вилояти | 86 400 сўм | (366) 234 22 53 |
| Сирдарё вилояти | 87 883 сўм | (367) 225 11 22 |
| Сурхондарё вилояти | 91 544 сўм | (376) 223 60 98 |
| Тошкент вилояти | 90 400 сўм | (371) 223 13 04 |
| Фарғона вилояти | 87 883 сўм | (373) 244 50 78 |
| Хоразм вилояти | 91 544 сўм | (362) 227 37 69 |
| Тошкент шаҳри | 78 000 сўм | (371) 233 75 49 |

КЕЛГУСИ СОНДА:



АҚШНИНГ ОГАЙО ШТАТИДА
ЎТКАЗИЛАДИГАН
ИФЛАНИНГ 82 ХАЛҚАРО
КОНФЕРЕНЦИЯСИ
ЯНГИЛИКЛАРИ



РОЛЬ ИНФОРМАЦИОННО-
БИБЛИОТЕЧНЫХ
УЧРЕЖДЕНИЙ В
ИННОВАЦИОННОЙ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ



ФАРЗАНДЛАРГА
КИТОБ ЎҚИШДА
ЎРНАК ЗАРУР



ТВОРЧЕСТВО
АЛИШЕРА НАВОИ
В КОНТЕКСТЕ
КНИЖНОЙ КУЛЬТУРЕ



КАТАЛОГЛАШТИРИШНИНГ
МУҲИМ ҚОИДАЛАРИ

